

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**31-сон**  
**(999)**  
**2021 йил**  
**август**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

456. «Зайтун мойи ва зайтун меваси тўғрисидаги халқаро битимга (Женева, 2015 йил 9 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 2 августдаги ЎРҚ–704-сон Қонуни

457. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 2 августдаги ЎРҚ–705-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

458. ««Нукус шаҳрида аёллар ва болалар шифохонасини ташкил этиш» лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ–5208-сон қарори

459. «Республика худудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ–5209-сон қарори
460. «Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ–5210-сон қарори
461. «Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПҚ–5211-сон қарори
462. «Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПҚ–5212-сон қарори
463. «Сурхондарё вилоятида Қорабайир зотли отларни етиштириш ва омалаштириш ҳамда от спорти турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПҚ–5213-сон қарори
464. «Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 августдаги ПҚ–5214-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

465. «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 490-сон қарори
466. «Мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги 494-сон қарори
467. «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 августдаги 500-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

468. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2021 йил 29 июлдаги 24-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга

ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-5*)

469. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2021 йил 19 июлдаги 01/11-14/08-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-5*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**456** Зайтун мойи ва зайтун меваси тўғрисидаги халқаро битимга (Женева, 2015 йил 9 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида\*Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 6 июлда қабул қилинганСенат томонидан 2021 йил 31 июлда  
маъқулланган

Зайтун мойи ва зайтун меваси тўғрисидаги халқаро битимга (Женева, 2015 йил 9 октябрь) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти****Ш. МИРЗИЁЕВ**Тошкент ш.,  
2021 йил 2 август,  
ЎРҚ-704-сон

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 августда эълон қилинган.

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**457** Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2021 йил 27 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 31 июлда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда, № 10, 593, 595-моддалар, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **113-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек карантинли ва одам учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этиладиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлигининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 августда эълон қилинган.

1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 265, 267-моддалар, № 9, 589, 592-моддалар; 2020 йил, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **28-моддасига** куйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:  
**номи** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«28-модда. Фуқароларнинг розилигисиз тиббий ёрдам кўрсатиш, профилактик эмлаш»;**

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши мумкин».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 2 август,  
ЎРҚ-705-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **458 «Нукус шаҳрида аёллар ва болалар шифохонасини ташкил этиш» лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида\***

Соғлиқни сақлаш соҳасида Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, республикада аёллар ва болалар учун замонавий, юқори технологик ҳамда ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. 2021 йил 26 май куни Тошкент ва Абу-Даби шаҳарларида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасидаги Халифа бин Зоид Ал Наҳаён жамғармасининг грант маблағларини Ўзбекистонга жалб этишда ҳамкорлик тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда — Битим) тасдиқлансин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Битимни амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

Ташқи ишлар вазирлиги Битимнинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисидаги тегишли билдиришномани Бирлашган Араб Амирликлари томонига юборсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Битим кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан ўрнатилган тартибда назоратни таъминласин.

2. Белгилансинки, лойиҳа доирасида қурилиш ишлари якунлангач, шифохона ўрнатилган тартибда Шайх Халифа бин Зоид Ал Наҳаён жамғармаси томонидан беғараз равишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига берилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев):

а) лойиҳани амалга ошириш учун Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига зарур ер участкаси ажратилишини таъминласин.

Бунда, лойиҳа доирасида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини бузиш ҳамда мулкдорларга компенсация тўлашда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий амал қилсин;

б) лойиҳа майдонининг чегараларига қадар ташқи муҳандислик тармоқ-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 августда эълон қилинган.

лари ва транспорт коммуникацияларини ташкил этиш, жумладан электр энергияси, газ ва сув таъминоти, йўллар ва телекоммуникация тармоқлари бўйича ишларни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширсин.

4. Битимдаги келишувлар ижросини таъминлаш мақсадида, истисно тариқасида, лойиҳани амалга оширишда:

бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотлари фойда солиғи ва ижтимоий солиқдан, уларнинг ходимлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинсин;

бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотлари томонидан Жамғарма учун амалга ошириладиган ишлар (хизматлар, товарлар)га нисбатан «ноль» (0%) даражали ставкада қўшилган қиймат солиғи қўлланилиши таъминлансин. Бунда, қўшилган қиймат солиғи бўйича салбий фарқни қайтариш қонунчилиқда белгиланган тезлаштирилган тартибга мувофиқ амалга оширилади;

импорт қилинган товарлар ва моддий бойликларни мажбурий сертифицикатлаш тартиботларидан ўтишдан, божхона божи, акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинсин.

Мазкур бандда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари Битим белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг қўлланилади.

5. Лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг буюртманомалари асосида белгиланган тартибда:

Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х. Камитов) кириш визалари расмийлаштирилишини;

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) кўп марталик визалар берилиши ҳамда вақтинчалик яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйилиши (уларнинг муддатлари узайтирилиши)ни таъминласин.

6. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 август,  
ПҚ–5208-сон



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**459 Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида\***

Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий гул навларини парваришlash, аҳоли ўртасида гулчилик санъати сир-асрорларини оммалаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Республикада гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини ривожлантириш, шу жумладан гул етиштиришда аҳоли билан кооперация муносабатларини йўлга қўйиш, соҳа мутахассислари малакасини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларига илмий ишланмаларни жорий этишда тадбиркорларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Гул етиштирувчилар уюшмаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Гул етиштирувчилар уюшмасига:

тадбиркорлик субъектларини гулчилик ва кўчатчилик билан шуғуллашишга қизиқтириш, уларни билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун ўқитиш, шу жумладан хорижий давлатларда ўқитиш, шунингдек, бу жараёнга хорижий мамлакатлардан малакали мутахассисларни жалб қилиш;

гулчилик соҳасига оид семинар, анжуман, ярмарка ва кўрғазмалар ташкил қилиш, шунингдек, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ярмарка ва кўрғазмаларда иштирокини таъминлаш;

хорижий давлатлардан экспортбоп гул навларини парваришlash учун олиб келиш ва уларни маҳаллийлаштириш, шунингдек, парваришланган гулларни экспорт қилиш ишларини ташкил этиш бўйича яқиндан амалий ёрдам кўрсатсин.

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Андижон вилоятининг Андижон, Избоскан ва Олтинкўл туманларини, Наманган вилоятининг Наманган ва Давлатобод туманларини ҳамда Жиззах вилоятининг Зомин ва Ғаллаорол туманларини гулчиликка ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев, А. Тўраев) Гул етиштирувчилар уюшмаси билан биргаликда уч ой муддатда гулчиликка ихтисослашган туманларда тажриба тариқасида гулчилик соҳасида тажрибага эга бўлган тадбиркорлар томонидан гулчилик кластерлари ташкил қилинишини таъминласин.

3. Халқаро молия институтларидан қишлоқ хўжалиги соҳаси учун жалб қилинадиган кредит линиялари мазкур қарорда белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун ҳам йўналтирилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, гулчиликка ихтисослашган туманларда:

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 августда эълон қилинган.

гулчилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларининг ўз фаолиятларини кенгайтиришлари учун 0,06 гектардан 1 гектаргача ер майдонлари очиқ электрон танлов орқали 30 йилга деҳқон хўжалигини юритиш мақсадлари учун ер участкаларини ижарага бериш тартибидан ажратилади;

«Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида ажратилган маблағларнинг камида 10 фоизи гулчилик лойиҳаларини ташкил қилиш учун ажратилади;

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга очиқ майдонда ҳамда иссиқхоналарда гул етиштириш бўйича агротехник тадбирларни ўргатиш мақсадида Андижон, Жиззах ва Наманган вилоятларида хар бирининг майдони 2 сотих бўлган 25 та «Гулчилик ўқув полигон»ларини ташкил этиш учун 0,5 гектар ер майдони ташаббускор тадбиркорларга электрон онлайн-аукцион (қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда) ёки очиқ электрон танлов (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда) орқали ижарага берилади;

«Гулчилик ўқув полигон»ларида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва махсус сертификат олган ишсиз, эҳтиёжманд оилаларга гул ва кўчат етиштиришни ривожлантириш мақсадида 6 сотихдан ер майдони электрон онлайн-аукцион (қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларда) ёки очиқ электрон танлов (қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда) орқали ижарага берилади.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Андижон, Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари икки ой муддатда «Гулчилик ўқув полигони» ташкил қилиш истагини билдирган ташаббускор тадбиркорлар учун ер майдонларининг электрон онлайн-аукционга ёки очиқ электрон танловга қўйилишини таъминласин.

5. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 — 2024 йилларда йиллик экспорт тушумида гул экспортидан тушум улуши камида 30 фоизни ва 100 минг АҚШ доллардан кўпни ташкил қиладиган тадбиркорлик субъектларининг хом ашё (гул кўчатлари, уруғлари, пиёзлари ва пайвандтаглари) импорти учун сарфланган транспорт харажатларининг 50 фоизи Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади.

6. 2023 йил 1 январга қадар туганаклар, пиёзбошлар, туганаксимон илдизлар, туганак пиёзлар, илдизпоя, жумладан вегетатив тиним ҳолатидаги, вегетация ёки гуллаш давридаги сертармоқлари, бошқа тирик ўсимликлар (жумладан, илдизлари), қаламчалар ва пархиши (ТИФ ТН коди 0601 ва 0602) импортида божхона божининг ноль ставкаси қўлланилсин.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда илмий-техник дастурлар доирасида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларида амалга оширилдиган илмий-тадқиқот ва инновация ишларининг қўламини кенгайтиришга қаратилган, аниқ натижа берадиган лойиҳаларга давлат буюртмасини шакллантириб, рақобат асосида молиялаштиришга танлов эълон қилсин.

Бунда, илмий лойиҳаларга ажратилдиган маблағларнинг камида 40

фоизи экспортбоп ва қиммат гулларни (орхидея, лилия, пион ва бошқалар) маҳаллий иқлимга мослаштириш учун ген инженериясига ихтисослашган илмий лабораторияларни ташкил этиш ҳамда жиҳозлашга йўналтирилсин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида Гулчилик магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режасига гулчиликка оид мутахассислик фанларини киритиш ва ўқув соатларини оширишга эътибор қаратсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетиде Туркия Республикасининг Испарта амалий фанлар университети билан ҳамкорликда Манзарали боғдорчилик ва гулчилик соҳасида кадрлар тайёрлашни қўшма таълим дастурлари асосида йўлга қўйсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқароларни гулчилик соҳасига ўқитиш мақсадида икки ой муддатда Андижон вилояти Шаҳрихон тумани, Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ва Тошкент вилояти Зангиота туманидаги агротехнологиялар техникумларида ландшафт дизайни, гулчилик селекцияси ва кўчатчилик йўналишларида ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев, А. Тўраев) уч ой муддатда Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган гул етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида «Гулчиликка ўқитиш маркази» фаолиятини йўлга қўйсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги «Гулчиликка ўқитиш маркази»га Нидерландия қироллиги, Туркия Республикаси ва Таиланд қироллигидан жалб қилинадиган малакали мутахассисларнинг Ўзбекистонга келиб-кетиш ва яшаш харажатларининг 50 фоизини Европа Иттифоқининг «Бюджетни қўллаб-қувватлаш» дастури доирасида агросаноат мажмуасини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан қоплаб бериш чораларини кўрсин.

12. Республикада гулчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Гулчилик фаолияти билан шуғулланаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳар бир ҳудудларда гул кўчатлари таъминотчилари билан «Ҳар бир

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

оила — тадбиркор» дастури доирасида лойиҳалар сонини кўпайтириш учун маҳаллаларда гулчилик лойиҳалари бўйича тақдимотлар ва семинарлар ўтказилишини таъминласин;

Наманган, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда Наманган, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида гул ҳамда кўчатларнинг йирик улгуржи бозорини ташкил этиш чораларини кўрсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ҳар йили апрель-май ойларида Наманган вилоятида «Халқаро гуллар фестивали»ни ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

15. Бош вазир ўринбосари Ш. Ғаниев бир ҳафта муддатда Гул етиштирувчилар уюшмаси фаолиятини ташкил этиш, хорижий мамлакатлардан эксперт ва мутахассисларни жалб қилиш, маҳаллий кадрларни тайёрлаш, халқаро гуллар фестивали ва кўргазмаларда иштирок этиш ҳамда илмий конференцияларни ўтказиш, соҳага оид замонавий хорижий адабиётларни олиб келиш ва таржима қилиш, гулчилик соҳасига оид маҳаллий илмий ишлар, монографиялар ва нашрларни рағбатлантириш, гул турлари тизimini яратиш (соғлом ва бошланғич гул етиштириладиган кўчатхоналар) учун Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 20 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилишини таъминласин.

16. Гулчилик соҳасига оид лойиҳаларни молиялаштириш устувор равишда «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан, шунингдек, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида эса барча тижорат банклари томонидан амалга оширилиши белгилансин.

17. Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (А. Тўраев) ўз тизимидаги илмий-тадқиқот институтларининг бўш ер майдонларида ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган хона, гулзор, бута, манзарали дарахт ва совға гуллари етиштириладиган кўчатхоналар ташкил этилишини таъминласин.

Бунда, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига мазкур бандда назарда тутилган кўчатхоналарни маҳаллий ва хорижий корхоналар билан ҳамкорликда ташкил этиш учун ўзига тегишли ер майдонларини ажратиш ҳуқуқи берилади.

18. Гул етиштирувчилар уюшмаси Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманининг А. Яссавий маҳалласи ҳудудида жойлашган Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига тегишли бинода текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори А.М. Тўраев ҳамда Гул етиштирувчилар уюшмаси раиси белгилансин.

Ушбу қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 август,  
ПҚ-5209-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**460 Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида аудиторнинг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонининг шаффофлигини таъминлайдиган аудиторларни сертификатлашнинг замонавий тизимини жорий этиш, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни ўрнатиш мақсадида:

1. Молия вазирлиги ва аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларининг (кейинги ўринларда — аудиторларнинг жамоат бирлашмалари) 2021 йил 15 августдан бошлаб Молия вазирлигининг қўйидаги функцияларини аудиторларнинг жамоат бирлашмаларига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

аудиторнинг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини (кейинги ўринларда — малака имтиҳонлари) ўтказиш;

аудиторнинг малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва унинг амал қилишини тугатиш;

аудиторларнинг малакасини ошириш дастурларини тасдиқлаш.

2. Белгилансинки:

малака имтиҳонларини ўтказиш регламенти, аудиторнинг малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш ва унинг амал қилишини тугатиш тартиби, аудиторларнинг ма-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 августда эълон қилинган.

лакасини ошириш дастурлари аудиторларнинг жамоат бирлашмалари томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

малака имтиҳонларининг ташкил этилиши ва тузилиши, малака имтиҳонларига тайёргарлик кўриш учун тавсия этилган материаллар ва ўқув дастурлари, шунингдек, малака имтиҳонлари натижалари тўғрисидаги маълумотлар аудиторлар жамоат бирлашмаларининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади;

малака имтиҳонларида қатнашиш учун талабгорлар ва аудиторнинг малака сертификатига эга аудиторлар ҳақида маълумотлар базаси аудиторларнинг жамоат бирлашмалари томонидан юритилади.

3. Республика ҳудудларида аудиторлик фаолияти соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашнинг илғор усулларини жорий этиш ва аудиторлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Аудиторларнинг жамоат бирлашмаларига қўйидаги ҳуқуқлар тақдим этилсин:

малака имтиҳонларини тасдиқланган тартиб ва регламентга мувофиқ ўтказиш учун мустақил равишда ёки биргаликда имтиҳон марказларини ташкил этиш;

республиканинг барча ҳудудларида малака имтиҳонларини ташкил этиш ва аудиторлар малакасини ошириш мақсадида ҳудудлардаги тармоқларни ривожлантириш.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг (кейинги ўринларда — тажриба-синов олий таълим муассасалари) «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог кадрларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида аудитнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — АХС) бўйича тезлаштирилган тарзда ўқитиш жадвалини тасдиқласин;

2022 йил 1 августдан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича АХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини таълим жараёнига жорий этсин;

бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида таҳсил олган олий таълим муассасалари педагог кадрлари тўғрисидаги маълумотлар базасини 2022 йил 1 январга қадар расмий веб-сайтида эълон қилсин ва доимий равишда уни янгилаб борсин.

6. Молия вазирлиги:

бир ой муддатда аудиторларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда аудиторнинг малака сертификатини малака имтиҳонини топширмасдан бериш ва муддатини узайтириш учун асос бўладиган бухгалтерларнинг халқаро сертификатлари рўйхатини тасдиқласин;

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аудиторларнинг жамоат бирлашмаларига малака имтиҳонларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича техник ва услубий ёрдам кўрсатсин;

аудиторларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаси асосида имтиҳонлар ўтказиш ва натижаларни баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи самарали аудиторларни сертификатлаш тизимини, шунингдек, малака имтиҳонлари, аудиторларнинг малакасини ошириш ва аудиторлик фаолиятининг ташқи сифат назорати натижалари бўйича ахборот алмашинувини ташкил этсин;

2021 йил охирига қадар бухгалтерларни сертификатлаш соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда «Хуқуқ» ва «Солиққа тортиш» йўналишлари бўйича натижалари бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида қабул қилинадиган миллий малака имтиҳонини ўтказиш тизимини жорий этиш масаласини кўриб чиқсин;

бухгалтер ва аудиторлар учун халқаро таълим стандартларини тан олиш ва республикада қўллаш мақсадида бухгалтерларни сертификатлаш соҳасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш чораларини кўрсин;

аудиторларнинг жамоат бирлашмалари билан биргаликда халқаро молия институтларининг грант маблағларини жалб қилиш имкониятларини кўриб чиқсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, унинг ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 4 август,  
ПҚ–5210-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 4 августдаги  
ПҚ–5210-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил  
18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартириш**

9-банд «9» кичик бандининг рус тилидаги матнида учинчи — еттинчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«осуществляет в установленном порядке внешний контроль качества работы аудиторских организаций;

согласует порядок и регламент проведения квалификационных экзаменов для получения квалификационного сертификата аудитора, типовую программу повышения квалификации аудиторов, утвержденные республиканскими общественными объединениями аудиторов;

ведет Реестр аудиторских организаций и Реестр аудиторов;

обеспечивает совершенствование информационной системы программного комплекса «Аудит», предназначенного для электронного взаимодействия с аудиторскими организациями и республиканскими общественными объединениями аудиторов;

осуществляет анализ развития аудиторских услуг;».

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 4 августдаги  
ПҚ–5210-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1245-сон қарорига 31-илованинг 12-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1887-сон қарорига 35-илованинг 12-банди.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**461 Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги «Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5024-сон қарорига мувофиқ, ушбу спорт турлари ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш ва оммалаштириш, улар бўйича миллий терма жамоамизнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида, жаҳон чемпионатларида ва бошқа йирик мусобақаларда иштирок этиши ва юқори натижаларга эришилишини таъминлаш мақсадида:

## 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастурини 2021 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастурининг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 3-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат дастури эришилган натижалар, Мақсадли кўрсаткичлар ҳамда йилқичилик ва от спорти, замонавий бешкураш ва полони оммалаштириш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳар йили алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган «Йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) Миллий гвардия, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар Давлат дастурини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Туризм ва спорт вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 августда эълон қилинган.

\*\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерациясининг 2021 — 2025 йиллар давомида:

67 та болалар-ўсмирлар спорт мактабида от спорти турлари, шу жумладан замонавий бешкураш бўйича 52 та, поло бўйича 15 та бўлимлар ташкил этиш;

хар бир олимпия захиралари коллежида от спорти ва замонавий бешкураш бўлимларини ташкил этиш;

насли ва зотдор отларни кўпайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 170 та йилқичилик хўжалиklarини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдухакимов Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси ва Ўзбекистон поло федерацияси билан биргаликда:

2021/2022 ўқув йили бошлангунига қадар болалар-ўсмирлар спорт мактабларида от спорти турлари бўйича 8 та бўлим, 3 та олимпия захиралари коллежида от спорти бўлимлари очилишини таъминласин;

2021 йил 1 сентябрга қадар болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва олимпия захиралари коллежларининг от спорти турлари бўйича бўлимларини халқаро талабларга жавоб берадиган спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкаси ҳамда бошқа зарур воситалар билан таъминласин ва ушбу мақсадларга Туризм ва спорт вазирлигига ҳамда унинг тизимидаги спорт-таълим муассасаларига бюджетдан 2021 йил учун ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисмидан зарур маблағлар, шунингдек, хомийлик маблағларини йўналтирсин.

Бош вазир ўринбосари Ш. Фаниев Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда йилқичилик хўжалиklarини ташкил қилиш режаси, уларнинг аниқ жойлашган жойи, номи ва рўйхатини тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

а) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб от спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг уста-чавандози, от парваришловчиси, тақачиси, отхона бошлиғи (бригадир), зоотехниги, ветеринар-шифокори, фельдшер-ветеринарлари меҳнатини рағбатлантиришга Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 211-сон қарорида белгиланган шартлар татбиқ этилади. Бунда, уста-чавандоз, от парваришловчи, тақачи, отхона бошлиғи (бригадир) — тренерга, ветеринар-шифокор — шифокорга, зоотехник ва фельдшер-ветеринар — ҳамширага тенглаштирилади;

б) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳамда унинг Нукус ва Тошкент филиалларида йилқичиликка ихтисослашган ветеринария шифокорлари ва зоотехникларини тайёрлаш бўйича бакалаврият таълим йўналиши очилади;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг

Нукус ва Фарғона филиалларида от спорти бўйича бакалаврият таълим йўналишининг махсус сиртки таълим шакли очилади;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бакалаврият таълим йўналишига ўқув йили учун ажратилган қабул параметрларини йўналишлар бўйича тақсимлашда замонавий бешкураш ва поло учун ўрин ажратилади.

4. Ўзбекистон йилкичилик ва от спорти федерацияси хузуридаги Насли, спорт ва тозақонли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика маркази таркибида Иппология илмий-тадқиқот институти ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Институт отларнинг анатомияси, физиологияси, кўпайтириш биологияси, зотларни ўзгартириш ва бошқа масалаларни илмий томонидан ўрганувчи ихтисослаштирилган илмий ташкилот ҳисобланади;

Институт илмий ташкилот сифатида давлат буюртмалари ва дастурларини амалга оширишда ҳамда фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб боришда иштирок этади;

Институт ходимларига Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотларнинг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари татбиқ этилади.

Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджетидан илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган маблағлар;

Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари;

юрidik ва жисмоний шахслар, шу жумладан норезидентларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро ва чет эл ташкилотларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Институт фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

5. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон йилкичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерациясининг 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

от спортининг от йўрттириш тури бўйича Тошкент вилоятида «O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti kubogi uchun», от спортининг тўсиқлардан сакраш (конкур) тури бўйича Қашқадарё вилоятида «Qarshi Open», Тошкент шаҳрида «Millatlar kubogi» халқаро турнирларини;

замонавий бешкураш бўйича Тошкент шаҳрида «O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti kubogi uchun», «Tashkent Open», «Central Asian Cup», ушбу спорт турининг лазер-ран йўналиши бўйича «Central Asian Championship» халқаро турнирларини;

поло бўйича Тошкент вилоятида «Amirsoy-Polo Cup», Қашқадарё вилоятида «Kok-Sagay Cup», Тошкент шаҳрида «Tashkent Open» халқаро турнирларини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А. Абдухакимов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси, Ўзбекистон улоқ-кўпкари федерацияси:

Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар хокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда мазкур бандда кўрсатилган халқаро турнирларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни юқори савияда ўтказиш бўйича «йўл хариталари»ни тасдиқласин. Бунда, турнирларни ўтказиш билан боғлиқ молиявий харажатларни қоплаш манбалари этиб ҳомийлик, маҳаллий бюджет ва бошқа маблағлар белгиланади;

халқаро турнирларда маҳаллий спортчилар билан биргаликда юқори рейтингга эга бўлган кучли халқаро спортчи, тренер ва ҳакамларнинг иштирокини таъминласин;

2022 йил 1 январдан бошлаб республика, ҳудудий ва туман (шаҳар) спорт ва оммавий жисмоний тарбия тadbирларининг календарь режаларига от спорти турлари бўйича мусобақалар ва турнирларнинг киритилишини таъминласин ҳамда уларни юқори даражада ўтказиш чораларини кўрсин.

6. Транспорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ва Энергетика вазирлигининг 2022 йил 1 сентябрга қадар:

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан от спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

«Ўзсаноатқурилишматериаллари» АЖнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудида 30 ўринли замонавий отхона биноси ва очиқ спорт манежини барпо этиш;

«Ўзбекнефтгаз» АЖнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан Республика олимпия захиралари коллежи ҳудудида спортчиларнинг шуғулланиши, яшаши учун шароитларга эга бўлган замонавий 2 қаватли бинони қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда ушбу бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида Ўзбекистон замонавий бешкураш федерациясини жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

7. Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари от спорти, замонавий бешкураш ва поло бўлимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун белгиланган тартибда шакллантирилган рўйхат бўйича олиб келинадиган, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган инвентарлар, спорт кийимлари, спорт отлари, насли маҳсулотлар (материаллар), озуқа ва озуқа қўшимчалари, витаминлар, ветеринария дори воситалари, ускуналар ва материаллар, отларни ташишга мўлжалланган янги ва ишлаб чиқарилганлигига етти йил тўлмаган махсус автотранспорт (коневоз) воситалари ва тиркамалар, лазерли тўппонча ва нишонлар, поло таёғи 2024 йил 1 июлга қадар божхона божидан озод этилсин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов), «Ўзавтосаноат» АЖ, «Ўзчармсаноат» уюшмаси, «Хунарманд» уюшмаси 2021 йилдан бошлаб тадбиркорлар, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб этиш орқали от спорти турлари учун зарур спорт кийимлари, ускуна ва жиҳозларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш чораларини кўрсин.

9. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси (Б. Норқобилов) икки ой муддатда соф зотдор отларни урчитиш ва кўпайтириш, ёш отлар ривожланиши ва ўсишини, йилқичилик фермаларида қимиз ишлаб чиқаришни, интенсив от бўрдоқичилигини ташкил этиш, яйлов ва ем-озука базасини мустаҳкамлаш ва отлардан олинган маҳсулотлар турларини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов) билан биргаликда от спорти турларини ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида:

Халқаро от спорти федерацияси, Осиё от спорти федерацияси билан ҳамкорликни кучайтирсин, бу борада манзилли чора-тадбирларни амалга оширсин;

от спорти турлари бўйича жаҳон рейтингларида етакчилик қилаётган давлатлар билан биргаликда мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мусобақалар ва турнирларни ўтказиш, тажриба алмашиш, бошқа қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатсин.

11. Республикамизда йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ Йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ этиб қайта ташкил қилинсин ҳамда унинг таркиби 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳ (А. Абдухакимов):

а) бир ой муддатда:

ҳар бир ҳудуд кесимида от спорти турларининг амалдаги ҳолатини чуқур таҳлил қилсин;

ҳудудларда от спорти турларини ривожлантиришга кўмаклашишга кодир бўлган ташкилотларни сафарбар этсин;

жойларда от спорти турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш, услубий қўллаб-қувватлаш ва мониторинг қилиш мақсадида Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерациясининг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўрсин;

б) икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб от спорти турларини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқласин ва ижросини таъминласин. Бунда дастурларда:

ёш авлод чавандозларини тарбиялашга йўналтирилган миллий от спорти

---

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш, миллий от спортининг халқаро довруғини ошириш;

туман (шаҳар) ҳокимлари ва вилоят раҳбарлари кубоклари мусобақаларини ташкил этиш;

от спортининг миллий ва анъанавий турларини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш, халқаро стандартлар асосида мутахассисларни тайёрлаш;

йирик халқаро мусобақалар, жумладан ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ва қитъа биринчиликларини ўтказиш;

от спорти турларини аҳоли ўртасида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш ва уларни ушбу мусобақаларга кенг жалб қилиш чораларини кўриш;

миллий байрамларда от спорти билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган мусобақалар графигини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарор асосида амалга оширилаётган ишларни оммалаштиришга қаратилган мақолалар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Қ. Каримов, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси Р.М. Шаабдурахманов, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси М.М. Ташходжаев, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси, Ўзбекистон улоқ-қўпқари федерацияси раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 5 август,  
ПҚ-5211-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 5 августдаги  
ПҚ-5211-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

Ўзбекистонда йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) йилқичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони (кейинги ўринларда — от спорти турлари) янада оммалаштириш ҳамда тизимли ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Давлат дастури от спорти турларини тизимли ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари, устувор йўналишлари, истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда улар бўйича дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

### **2-боб. От спорти турларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги «Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5024-сон қарорига мувофиқ, қуйидагилар мамлакатимизда от спорти турларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

биринчи йўналиш — мамлакатда от спорти турларини аҳоли ўртасида энг оммавий спорт турларидан бирига айлантириш, иқтидорли ёшларни танлаш, саралаб олиш (селекция) ва уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

иккинчи йўналиш — от спорти турлари бўйича профессионал тренерлар, ҳакамларни тайёрлаш, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, от спорти турларининг илмий-методологик базасини янада кучайтириш;

учинчи йўналиш — от спорти турлари билан шуғулланиш учун зарур моддий-техник база ва инфратузилмани шакллантириш, шу жумладан от спорти клублари фаолиятини ривожлантириш, терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини самарали ташкил этиш;

тўртинчи йўналиш — Қурулли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жисмоний тайёргарлик машғулотларига босқичма-босқич от спорти турларини киритиш;

бешинчи йўналиш — от спорти турларини ривожланган мамлакатлар билан рақобат қила оладиган даражага етказиш, халқаро талаб ва стандартлар асосида мутахассисларни тайёрлаш, йирик халқаро мусобақалар, жумладан ўсмирлар, ёшлар ва хотин-қизлар жамоалари ўртасида жаҳон ва қитъа биринчиликларини ўтказиш;

олтинчи йўналиш — от спорти турларини аҳоли ўртасида, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш.

### **1-§. Биринчи йўналишни рўёбга чиқариш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим**

От спорти турлари ривожланмаган ҳудудларда уларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

от спорти турлари бўйича туман (шаҳар), вилоят ва республика миқёсида мусобақалар ташкил қилиш;

от спорти турлари бўйича спорт мактаблари ва клублари, таълим муассасаларидан сараланган спортчилар ўртасида минтақавий ўқув-машқ йиғинлари ва мусобақалар ўтказиш;

ўтказилган мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорларидан таркиб топган жамоавий клубларни ташкил этиб, республика даражасида клублараро мусобақалар ўтказиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида от спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари (Чавандозлар мактаблари) ва уларнинг туман (шаҳар) секцияларини ташкил қилиш ҳамда улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларида замонавий бешкураш ва поло бўйича бўлимлар фаолиятини йўлга қўйиш;

хар бир олимпия захиралари техникумида от спорти ва замонавий бешкураш бўлимларини ташкил этиш;

от спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг фаолиятини такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мультимедиа технологиялари, от модуляторлари билан таъминлаш;

республикада от спортини ривожлантириш бўйича етакчи ҳудуд сифатида Қашқадарё вилоятида от спорти турларини янада оммалаштириш;

ёш авлод чавандозлари, бешкурашчилари ва полочиларини тарбиялашга йўналтирилган миллий от спорти мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш.

### **2-§. Иккинчи йўналишни рўёбга чиқариш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим**

Таълим муассасаларида ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш орқали халқаро стандартлар асосида от спорти турлари бўйича юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрларни тайёрлаш;

от спорти турлари бўйича тренер, ҳакам, ветеринар, тақачи ва бошқа



мутахассисларнинг малакасини ошириш, ўқув-машқ жараёнига жаҳоннинг етакчи мутахассисларини тизимли асосда жалб этиш ҳамда кадрларни тажриба алмашиш мақсадида от спорти турлари ривожланган етакчи хорижий давлатларга стажировкага юбориш;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида хорижий давлатлар билан ҳамкорлик асосида инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда от спорти турлари бўйича масофавий таълимни ташкил этиш;

от спорти турлари бўйича маҳоратли тренерлар томонидан яратилган спортчиларни тайёрлаш методикасини чуқур ўрганиб, илмий жиҳатдан самарасини исботлаган ҳолда, барча спорт-таълим муассаса ва ташкилотларига кенг жорий этиш;

от спорти турларининг ўқув-машғулотлар жараёнига замонавий илмий-инновацион технологияларни жорий қилиш, ёш тадқиқотчиларни от спорти турлари бўйича илмий фаолиятга жалб этиш;

от спорти турлари билан шуғулланишга қизиқишни оширишга йўналтирилган ўқув адабиётлар яратиш;

от спорти турлари бўйича электрон таълим ресурсларида машқ жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича методик тавсияларнинг республика очиқ маълумотлар базасини яратиш;

ахборот технологиялари ва мультимедиа маҳсулотларини ривожлантиришда замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда от спорти турлари бўйича ўқув-машқ жараёнини компьютерлаштириш даражасини ошириш;

тренер ва мутахассисларни Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло спорти федерацияси тавсияномаси асосида Туризм ва спорт вазирлиги томонидан хуудларга юбориш (ротация қилиш);

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳамда унинг Нукус ва Тошкент филиалларида йилқичиликка ихтисослашган ветеринария врачлари ва зоотехникларини тайёрлаш бўйича бакалаврият таълим йўналишини очиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан от спорти бўйича бакалаврият таълим йўналишининг махсус сиртки таълим шаклини очиш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг бакалаврият таълим йўналишига ўқув йили учун ажратилган қабул параметрларини йўналишлар бўйича тақсимлашда замонавий бешкураш ва поло учун алоҳида ўрин ажратиш;

терма жамоалар спортчиларини тиббий ва фармакологик таъминлаш, уларнинг ўқув-машғулот ва мусобақаларга тайёргарлик жараёнига илғор инновацион, илмий-методик технологияларни жорий этиш ҳамда спортчиларнинг халқаро от спорти турлари бўйича мусобақаларда иштирокини таъминлаш учун илмий таҳлил қилиш бўйича мутахассислар (олимплар, шифокорлар, физиологлар, диетологлар ва бошқа мутахассислар) гуруҳларини ташкил этиш.

### **3-§. Учинчи йўналишни рўёбга чиқариш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим**

От спорти турлари бўйича халқаро стандартларга жавоб берадиган спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланганлик даражасини доимий равишда таҳлил қилиб бориш;

от спорти турлари бўйича спорт базаларини замонавий ускуналар, спорт инвентарлари ва жиҳозлар билан босқичма-босқич таъминлаш;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида от спорти турлари бўйича кадрлар тайёрлаш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида насли ва зотдор отларни кўпайтириш, маҳаллий ва хорижий туристларнинг дам олишини ташкил қилиш учун зарур инфратузилма объектларидан (ипподром, стадион, сузиш ҳавзаси, меҳмонхона, даволаш-соғломлаштириш мажмуаси, кафе, ветеринария дорихонаси, ўқув маркази, спорт ва зотдор отлар учун ветеринария клиникаси) иборат кўп тармоқли от спорти мажмуаларини давлат-хусусий шериклик асосида барпо этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик асосида от спорти клубларини ташкил этиш;

Ўзбекистон йилкичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси фаолиятини таҳлил қилиш, уларни ва уларнинг аъзоларини қўллаб-қувватлаш;

от спорти турлари бўйича давлат ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган от спорти турлари бўйича спорт жиҳозлари, анжомлари, кийимлари ва ускуналарини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

от спорти турлари бўйича ўқув-машғулотлар жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

ўқув-машғулотлар жараёнида замонавий спорт жиҳозлари ва анжомларидан фойдаланиш, компьютерлаштирилган хоналарда махсус ўқув-машғулотларини йўлга қўйиш;

от спорти турлари бўйича мобиль илмий-тиббиёт лабораторияларини ташкил этиш;

от спорти турлари билан шуғулланувчиларнинг тиббий профилактикаси ишларини, Иппотерапия марказлари фаолиятини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;

от спорти турлари билан шуғулланувчиларни ҳудудий тиббиёт муассасаларига бириктириш;

от спорти турлари билан шуғулланувчилар жисмоний ҳолатининг мунтазам мониторингини олиб бориш;

ҳудудлардаги чавандозлар, бешкурашчилар ва полочилар, от спорти билан шуғулланиш имконини берувчи очик ва ёпиқ майдонлар ҳамда ипподромлар тўғрисида маълумотларни тезкор олиш имконини берувчи электрон базани яратиш ва мониторингини олиб бориш;

от спорти, замонавий бешкураш ва поло бўйича миллий терма жамоалар учун халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона ўқув-машғулот базасини ташкил этиш;

насли, спорт ва тозақонли отларни етиштириш ва кўпайтириш, ҳудудларда йилқичилик хўжаликлари ва от заводларини ташкил этиш;

йилқичилик тўғрисида илм (иппология)ни чуқур ўрганиш, инновацион селекция-генетика ишларини (наслчилик, ветеринария) кучайтириш, илмий тадқиқотларни олиб бориш, отларни сунъий уруғлантиришни йўлга қўйиш;

йилқичилик бўйича селекция ишларини кучайтириш, республика ва халқаро миқёсда от спорти ўйинларида иштирок этувчи отларни халқаро талаблар бўйича касалликларга қарши эмлаш;

йилқичилик бўйича замонавий диагностика лабораториялари ва ветеринар клиникаларини ташкил қилиш;

насли ва спорт отларини танлаш, туристлар оқимини кўпайтириш мақсадида миллий ҳамда халқаро кўргазмалар ташкил қилиш;

соф зотдор отларни урчитиш ва кўпайтириш, ёш отлар ривожланиши ва ўсишини, йилқичилик фермаларида кимиз ишлаб чиқаришни, интенсив от бўрдоқичилигини ташкил этиш, яйлов ва ем-озуқа базасини мустаҳкамлаш ва отлардан олинадиган маҳсулотлар турларини кенгайтириш;

республикадаги от зотлари бўйича талаблар, зотлар ўртасида фарқланиш, ўхшашлик ва уларнинг барқарорлик талаблари бўйича давлат стандартини ишлаб чиқиш;

Қорабайир зотли отларни хорижий давлатларга экспорт қилиш;  
насли ва спорт отларини импорт қилиш.

#### **4-§. Тўртинчи йўналишни рўёбга чиқариш учун куйидагилар амалга оширилиши лозим**

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида от спорти турларини ривожлантириш ва оммалаштириш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга от спорти турлари бўйича тренер, берейтор ва мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, ҳарбий хизматчи ва ходимларни от спорти турлари асослари бўйича ўқитиш;

тоғли жойларда Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳарбий хизматчи ва ходимлари учун чавандозлик асослари бўйича ўқув-машғулотларни ташкил қилиш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳарбий хизматчи ва ходимлари учун от спорти турлари бўйича ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқа ахборот материалларини тайёрлаш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳарбий хизматчи ва ходимлари учун машҳур чавандоз ва хорижий мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари, учрашувлар, семинар, тренинг, мастер-класслар, ўқув дарсларини ташкил этиш;

Халқаро от спорти федерациясининг Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни му-

ҳофаза қилувчи органларда от спорти турларини ривожлантиришга оид тавсия ва таклифларини ўрганиб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳар йили от спорти турлари бўйича турнирларни ташкил қилиш;

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотларга аъзо-давлатларнинг Қуролли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасида от спорти турлари бўйича турнирларни ташкил қилиш ташаббусини илгари суриш ва уларда иштирок этиш, шу жумладан уларни республикада ўтказиш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳарбий хизматчи ва ходимларини от спорти турлари бўйича республика ҳамда халқаро мусобақалар ва турнирлар, шу жумладан Олимпия ва Осиё ўйинларига кенг жалб қилиш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда от спорти турлари бўйича юқори натижаларни кўрсатган ҳарбий хизматчи ва ходимларни рағбатлантириш.

### **5-§. Бешинчи йўналишни рўёбга чиқариш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим**

От спорти турлари бўйича спорт-таълим муассасалари фаолиятига, миллий терма жамоаларни шакллантиришга малакали хорижий тренер, мутахассис ва экспертларни жалб қилиш;

от спортининг олимпия турларини (учкураш, тўсиқлардан сакраш/конкур, от йўрттириш, замонавий бешкураш) устувор равишда ривожлантириш бўйича ҳудудлар кесимида манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

антидопинг соҳасида халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда, от спорти турлари бўйича федерация (ассоциация)лар учун такомиллаштирилган антидопинг таълим дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

ҳар йили анъанавий тарзда от спортининг от йўрттириш тури бўйича Тошкент вилоятида «O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti kubogi uchun», от спортининг тўсиқлардан сакраш (конкур) тури бўйича Қашқадарё вилоятида «Qarshi Open», Тошкент шаҳрида «Millatlar kubogi» халқаро турнирларини ташкил этиш;

ҳар йили анъанавий тарзда замонавий бешкураш бўйича Тошкент шаҳрида «O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti kubogi uchun», «Tashkent open», «Central Asian Cup», ушбу спорт турининг лазер-пан йўналиши бўйича «Central Asian Championship» халқаро турнирларини ташкил этиш;

ҳар йили анъанавий тарзда поло бўйича Тошкент вилоятида «Amirsoy-Polo Cup», Қашқадарё вилоятида «Kok-Sarayu Cup», Тошкент шаҳрида «Tashkent open» халқаро турнирларини ташкил этиш;

Халқаро от спорти федерацияси, Осиё от спорти федерацияси ҳамда етакчи хорижий мамлакатларнинг от спорти турлари бўйича федерация

(ассоциация)лари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бу борада манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

от спорти турлари бўйича жаҳон рейтингларида етакчилик қилаётган давлатлар билан биргаликда мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, мусобақалар ва турнирларни ўтказиш, тажриба алмашиш, бошқа қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш.

### **6-§. Олтинчи йўналишни рўёбга чиқариш учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим**

Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан Интернет орқали от спорти турларини кенг тарғиб қилиш чораларини амалга ошириш;

«Ўзбек йилқичилиги ва от спорти» оммабоп журналинини таъсис этиш;

от спорти турларига бағишланган «От — эр йигитнинг қаноти», «Юртимиз чавандозлари» каби мавзуларда туркум кўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш;

таниқли чавандозлар иштирокида ижтимоий реклама роликларини ишлаб чиқиш ва ёритиб бориш;

спорт журналистларининг от спорти ютуқлари таҳлил қилинган кўрсатувларини оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб бориш;

машҳур чавандозлар, бешкурашчилар ва полочилар иштирокида спорт тадбирларини, давра суҳбатларини ўтказиш, ёшлар ва барча хоҳловчилар учун маҳорат сабоқларини ташкил этиш;

от спорти турларини янада оммалаштириш, таниқли чавандозлар, бешкурашчилар ва полочилар ҳаёти ҳақида ҳужжатли ва бадиий видеофильмлар яратиш;

мамлакатимизда йилқичилик, наслчилик ва от спортини ривожлантириш, миллий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган Қорабайир зотли отлар ҳақида ҳужжатли фильм ишлаб чиқиш;

умумхалқ байрамлари ва сайиллари давомида от спорти турларини оммалаштиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

ўқувчи ва талабаларнинг от спорти турларига қизиқишини ошириш, жойларда от спорти хизматларини йўлга қўйиш;

от туризмни ривожлантириш, от спорти турлари бўйича мактаблар, клубларга туристларни жалб қилиш, кўргазмали тадбирларни амалга ошириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**462 Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этиш  
чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6260-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда от спорти турларини янада ривожлантириш, янги авлод чавандозларини тайёрлаш ва тарбиялаш, ёшлар ўртасида от спортини фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида от спорти турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари (Чавандозлар мактаблари) ва уларнинг туман (шаҳар) секциялари ташкил қилинсин.

2. Белгилансинки:

Чавандозлар мактаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги «Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПК-5024-сон қарорига мувофиқ от спортига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари негизида ташкил қилинади;

Чавандозлар мактаблари Миллий гвардия тизимига киради ҳамда ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширадиган мактабдан ташқари спорт-таълим муассасаси ҳисобланади;

Чавандозлар мактабларининг фаолияти от спорти (учкураш, тўсиқлардан сакраш ва от йўрттириш), замонавий бешкураш, поло ҳамда улоқ-кўпкарига ихтисослаштирилади;

Чавандозлар мактабларига илмий-методик ва ташкилий кўмаклашиш (ўқув қўлланмалар, дарсликлар, китоблар ва бошқа илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш, ўқув дарслари ва ҳажмларини белгилаш, мактаблар учун зотли отларни танлаш) Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда тегишинча Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ва Ўзбекистон улоқ-кўпкари федерацияси томонидан амалга оширилади;

Чавандозлар мактаблари ўз фаолиятини 2022 йил 1 мартдан бошлайди, шунингдек, давлат буюртмасига асосан улар томонидан разрядли ва унвонли спортчилар тайёрлаш тизими жорий этилади;

Чавандозлар мактабларининг туман (шаҳар) секциялари мазкур қарорнинг 8-бандида кўрсатилган тартибда давлат-хусусий шериклик асосида

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 августда эълон қилинган.

ташкил қилинади. Бунда, битта туман (шаҳар)да бир нечта секцияларни ташкил қилишга рухсат берилади;

Чавандозлар мактаблари фаолиятини (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, коммунал хизматлар, спорт отларига озуқа ва дори-дармонлар сотиб олиш ҳамда бошқа харажатлар) молиялаштириш манбалари этиб республика ва маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, ўз фаолияти ихтисослиги бўйича пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

Миллий гвардия (Р. Джураев) икки ҳафта муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда янгидан ташкил қилинаётган Чавандозлар мактабларининг аниқ жойлашган жойини белгиласин;

Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ҳамда Ўзбекистон улоқ-кўпкари федерацияси билан биргаликда Чавандозлар мактаблари ва уларнинг туман (шаҳар) секциялари фаолиятига оид минимал талаблар ва жиҳозлаш меъёрларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига етказсин.

3. Қуйидагилар Чавандозлар мактабларининг асосий вазибалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

Ўсмирлар ва ёшларни от спорти, замонавий бешкураш, поло ва улоқ-кўпкари билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция), спорт захираси ва юқори маҳоратли спортчилар тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини ташкил этиш, шунингдек, ушбу спорт турлари бўйича спорт тайёргарлиги мутахассислари ўртасида касбий тажрибани алмашиш;

ҳалқаро спорт майдонида мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган Ўзбекистон терма жамоалари учун ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг энг янги усулларини қўллаган ҳолда спорт захираси ва юқори маҳоратли спортчилар тайёрлаш;

тажриба алмашиш, спорт мусобақаларини ташкил этиш, илмий-методик таъминлаш масалалари бўйича Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ва Ўзбекистон улоқ-кўпкари федерацияси билан ҳамкорликни ривожлантириш;

йилқичиликда наслчилик ишларини такомиллаштириш йўли билан қорабайир ва бошқа наслдор зотли отлар бош сонини кўпайтириш.

4. Чавандозлар мактабларининг намунавий тузилмаси I-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Чавандозлар мактабларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишил-

---

\* I-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган холда Миллий гвардия қўмондони томонидан лавозимга тайинлангани ва лавозимдан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

олий ёки ўрта махсус, касб-хунар жисмоний тарбия маълумотига эга бўлмаган, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисликлари бўйича коллежларда ёки олий таълим муассасаларида ўқиётган шахсларга тренер-йўриқчи сифатида тренерлик фаолияти билан шуғулланишга берилган рухсатнома асосида Чавандозлар мактаблари ва уларнинг туман (шаҳар) секцияларида тренер ёки тренер-ўқитувчи лавозимларида ишлашга рухсат берилди;

2022 йил 1 январдан бошлаб Чавандозлар мактабларининг уста-чавандози, от парваришловчиси, тақачиси, отхона бошлиғи (бригадир), зоотехниги, ветеринар-шифокори, фельдшер-ветеринарлари меҳнатини рағбатлантиришга Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги «Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 211-сон қарорида белгиланган шароитлар татбиқ этилади. Бунда, уста-чавандоз, от парваришловчи, тақачи, отхона бошлиғи (бригадир) — тренерга, ветеринар-шифокор — шифокорга, фельдшер-ветеринар, зоотехник — ҳамширага тенглаштирилади;

2022 йил 1 мартдан бошлаб Чавандозлар мактаблари фаолияти самардорлиги бўйича рейтинг тизими жорий қилинади ҳамда унинг натижаларига қараб раҳбарият, йўриқчи-услугачилар, тренерлар ва бошқа ходимлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан ҳар йили базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Бунда, рейтинг кўрсаткичларини шакллантиришда Чавандозлар мактаблари фаолиятига давлат буюртмасига асосан тайёрланган разрядли ва унвонли спортчилар, республика ва халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар, олимпия захиралари коллежлари ҳамда от спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабига қабул қилинган ўқувчилар сони ҳам инобатга олинади.

6. Чавандозлар мактаблари тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган, ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Иппотерапия марказлари ташкил қилинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов):

Миллий гвардия, Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда неврологик, руҳий ва бошқа касалликларни даволаш, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни (шу жумладан, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган болаларни) иппотерапия услуги ёрдамида тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилсин;

Миллий гвардия, Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси билан биргаликда бир ой муддатда Иппотерапия марказлари томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш тартибини тасдиқласин.



Бунда, Иппотерапия марказларида «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг фарзандларига бепул хизмат кўрсатиш назарда тутилсин.

7. Андижон, Бухоро, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида Чавандозлар мактабларини реконструкция қилиш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида Чавандозлар мактабларини барпо этиш ва жиҳозлаш бўйича:

буюртмачи этиб — Миллий гвардия;

бош лойиҳачи этиб — «ТошуйжойЛИТИ» АЖ белгилансин;

бош пудратчи ташкилот белгиланган тартибда танлов (тендер) савдолари орқали аниқлансин.

Белгилансинки, Чавандозлар мактаблари, шу жумладан қўйидагилардан иборат бўлади:

ўқув машғулотлари ва мусобақаларни ўтказиш учун очиқ ва ёпиқ турдаги манеж (шу жумладан, жанговар манеж), отхона, озуқа базасини шакллантириш учун ер майдони, сув сақланадиган бочка, омборхона, беда сақланадиган жой, отларни қадамлаш учун жой (шагалка);

томошабинлар учун трибуна, тренерлар, тиббиёт ходимлари, кийим алмаштириш хоналари, тренажёр зали, спорт анжомлари, жиҳозлари, кийимлари ва экипировкасини сақлаш учун хона.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Миллий гвардия, Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда уч ҳафта муддатда мазкур банд талабларидан келиб чиқиб Чавандозлар мактабларини ташкил қилиш учун белгиланган тартибда ер майдонларини ажратсин;

худудлардаги ипподромларни Чавандозлар мактабларига мусобақа ва турнирларни ташкил қилиш, шунингдек, уларда ўқув машғулотларини ўтказиш учун бириктириш ва зарур шароитлар яратиш чораларини кўрсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Д. Кучкаров) Миллий гвардия (Р. Джураев), Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) билан биргаликда 2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Чавандозлар мактабларини реконструкция қилиш, қайта таъмирлаш ва барпо этиш учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин. Бунда, Чавандозлар мактаблари 2022 йил 1 мартга қадар тўлиқ фойдаланишга топширилиши инобатга олинсин.

Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров) Чавандозлар мактабларини инновацион технологияларга асосланган, қиммат бўлмаган, энергия тежовчи ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Чавандозлар мактабларининг туман (шаҳар)

секцияларини ташкил қилиш қўйидаги шартлар ва механизмларни ўз ичига олган ҳолда амалга оширилади:

хусусий шерикка (инвесторга) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш учун тегишли бино ва иншоотлар тақдим этилади;

хусусий шерикка (инвесторга) қонунчиликда белгиланган тартибда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари мулк ҳуқуқи ёки узоқ муддатли ижара асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинади. Бунда, секцияларни муҳандислик коммуникацияларига, жумладан электр, газ ва сув таъминоти тармоқларига олиб бориш ва улаш туман (шаҳар)лар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан таъминланади;

хусусий шерик (инвестор), Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқармаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасида тузилган битимга асосан қамров ва отлар сонидан келиб чиққан ҳолда хусусий шерик (инвестор)нинг маблағлари ҳисобидан секция ташкил қилинади;

секция камида 10 йил соҳа бўйича фаолиятини юритади. Бунда, ушбу муддат якуни бўйича секциянинг амалдаги фаолият йўналишини бошқа соҳага ихтисослаштиришга рухсат берилади.

Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги «Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5024-сон қарорига мувофиқ ташкил қилинаётган от спортини ривожлантириш, насли ва зотдор отларни кўпайтириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий туристларнинг дам олишини ташкил қилиш учун зарур инфратузилма объектларидан иборат кўп тармоқли спорт мажмуаларининг мазкур бандда кўрсатилган давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 2022 йил 1 мартга қадар барпо этилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

9. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан хусусий шерикка (инвесторга) Чавандозлар мактабларининг туман (шаҳар) секцияларини ташкил этиш учун:

миллий валютада ажратилган кредитларнинг 10 миллиард сўмдан ошмаган қисми бўйича кредит фоизи ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми;

хорижий валютадаги кредитларнинг 10 миллиард сўм эквивалентидан ошмаган қисми бўйича фоиз харажатларининг тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоизлик пунктдан кўп бўлмаган қисми уч йил мобайнида компенсация қилинади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

Миллий гвардиянинг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда бир ой

муддатда Чавандозлар мактаблари ва уларнинг туман (шаҳар) секциялари фаолиятини ташкил қилиш бўйича режани тасдиқласин;

2022 йил 1 февралга қадар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Чавандозлар мактабларини қорабайир ва бошқа наслдор зотли отлар билан таъминласин;

бир ой муддатда Чавандозлар мактабларининг туман (шаҳар) секцияларини ташкил этиш мақсадида хусусий шериклар (инвесторлар)нинг рўйхатини шакллантирсин ва уларга бепул фойдаланиш учун тегишли бино ва иншоотларни тақдим этсин;

Чавандозлар мактаблари фаолиятига тажрибали тренер ва бошқа мутахассисларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ва Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерациясининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларни мутахассислар (услугчилар, менежерлар ва бошқалар) билан тўлдиришни таъминласин;

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ва Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерациясининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари билан ҳар чоракда учрашиб, жойларда от спортини янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

Миллий гвардия, Туризм ва спорт вазирлиги Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ва Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерацияси билан биргаликда Чавандозлар мактабларида хорижий мутахассис фаолият кўрсатишини таъминласин.

#### 11. Белгилаб қўйилсинки:

2022 йилдан бошлаб ҳар йили Чавандозлар мактаблари ва уларнинг туман (шаҳар) секцияларининг ўқувчи-спортчиларини ва тренерларини рағбатлантириш мақсадида от спорти, замонавий бешкураш, поло ва улоқ-кўпқари бўйича «Энг яхши чавандоз», «Энг яхши тренер» танловлари ташкил этилади;

«Энг яхши чавандоз», «Энг яхши тренер» танловлари ғолиблари ва совриндорлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Миллий гвардия, Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ҳамда Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерацияси билан биргаликда «Энг яхши чавандоз», «Энг яхши тренер» танловларини ҳар йили юқори савияда ташкил этсин, туристларни жалб қилсин ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритсин.

#### 12. 2021 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида Қашқадарё вилояти-

да йилқичилик йўналишидаги наслчилик хўжаликларидagi селекция ишлари натижаларини баҳолаш, шунингдек, Чавандозлар мактабларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш мақсадида наслдор ва спорт отларини танлаш бўйича «Ўзбекистон отлари» номли кўргазма ташкил қилинсин.

Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (З. Мирзаев) Туризм ва спорт вазирлиги, Миллий гвардия, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ҳамда Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерацияси билан биргаликда «Ўзбекистон отлари» номли кўргазмани юқори савияда ташкил қилиш, маҳаллий ва хорижий туристлар оқимини кўпайтириш чораларини кўрсин.

13. Чавандозлар мактаблари ва уларнинг туман (шаҳар) секциялари эҳтиёжлари учун олиб келинадиган, республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган инвентарлар, спорт отлари, насли маҳсулотлар (материаллар), озуқалар, ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчалар, витаминлар, ускуналар ва материаллар белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатга мувофиқ божхона божидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги «Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5024-сон қарори 14-банди «е» кичик бандининг иккинчи хатбошида назарда тутилган қоида Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ва Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерациясига татбиқ этилсин.

14. Миллий гвардия (Р. Джураев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (Д. Хидоятлов) билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани ҳудудида жойлашган Миллий гвардия 65921 ҳарбий қисмининг ёрдамчи хўжалигига тегишли ер майдони ҳудудидан миллий от спорти мусобақалари ва ўйинларини ўтказиш, ёшларни миллий от спортига ўргатиш мақсадида халқаро стандартларга мос келадиган (220x80 м) ер майдони белгиланган тартибда ажратилишини таъминласин, зарур ҳолларда, мазкур вазифани амалга ошириш учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари «Йўл харитаси»да белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

16. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) Чавандозлар мактаблари фаолиятини молиялаштириш, улар учун ноёб зотли спорт отларини харид қилиш билан боғлиқ харажатларни 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5024-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий гвардия қўмондони Р.М. Джураев, туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Қ. Каримов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 5 август,  
ПҚ–5212-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 5 августдаги  
ПҚ–5212-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил  
11 мартдаги «Йилқичилик ва от спортини янада  
ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт  
турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар  
тўғрисида»ги ПҚ–5024-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартириш**

1. 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. 6-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.
3. Қарорнинг иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**463 Сурхондарё вилоятида Қорабайир зотли отларни етиштириш ва оммалаштириш ҳамда от спорти турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Миллий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган Қорабайир зотли отларни кўпайтириш ҳамда уларни от спортига кенг жалб этиш, мамлакатимизда от спорти турларини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Миллий гвардия ҳузурида Қорабайир отлари маҳорат мактаби ташкил этилсин.

Сурхондарё вилояти Термиз тумани Янгиобод маҳалласи ҳудудидаги 64,6 га ер майдони бино ва иншоотлари билан бирга Миллий гвардиянинг балансига ўтказилсин ва унда Қорабайир отлари маҳорат мактаби жойлаштирилсин.

Миллий гвардия (Р. Джураев), Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т. Боболов) ва Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси (Б. Газиев) Қорабайир отлари маҳорат мактаби фаолиятини 2021 йил 1 октябрдан бошлаб тўлиқ йўлга қўйсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т. Боболов) икки ой муддатда Қорабайир отлари маҳорат мактаби отларига озуқа базасини яратиш мақсадида 100 га суғориладиган ер майдонини белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўрсин.

2. Қўйидагилар Қорабайир отлари маҳорат мактабининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ёш авлод чавандозларини тарбиялашга йўналтирилган миллий от спорти мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишда Қорабайир зотли отлардан фойдаланишни оммалаштириш ҳамда миллий от спортининг халқаро довуғини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

йилқичиликда наслчилик ишларини такомиллаштириш йўли билан Қорабайир зотли отлар бош сонини кўпайтириш;

Қорабайир зотли отларни сақлаш ва сифатли ветеринария хизмати кўрсатиш ишларини яхшилашга кўмаклашиш, шунингдек, жаҳон бозорида от зотлари орасида Қорабайир от зотининг рақобатбардошлигини таъминлаш;

аҳолининг кенг қатламини, айниқса ёшларни, Қорабайир отлари маҳорат мактабидаги секция ва клубларга жалб этиш.

3. Қорабайир отлари маҳорат мактаби ходимларининг чекланган сони 50 нафардан иборат тузилмаси иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 августда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорабайир отлари маҳорат мактабининг штат бирликлари (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) Миллий гвардияга ажратилган умумий штат бирликлари доирасида шакллантирилади;

Қорабайир отлари маҳорат мактабининг директори лавозими офицерлар таркибидаги ҳарбий хизматчи билан жамланувчи лавозим сифатида белгиланади ҳамда мазкур лавозим учун 16,3 тариф разряди ва «подполковник» ҳарбий унвон поғонаси ўрнатилади;

Қорабайир отлари маҳорат мактабининг раҳбар ходимлари, инструктор-методистлари, тренер-ўқитувчилари ва тиббиёт (ветеринария) хизмати, устачавандоз, от парваришловчи ва тақачи ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори билан тасдиқланган Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади;

Қорабайир отлари маҳорат мактабининг моддий-техника базасини дастлабки мустаҳкамлаш, жумладан техника, анжомлар ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Қорабайир отлари маҳорат мактабининг моддий-техника базасини кейинчалик мустаҳкамлаш ва унинг молиявий таъминоти (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, коммунал хизматлар, отларга озуқа ва доридармонлар сотиб олиш ҳамда бошқа харажатлар) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Қорабайир отлари маҳорат мактабининг ҳамда унинг секция ва клублари фаолиятини ташкилий-методик таъминлаш Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ҳамда Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерацияси билан биргаликда амалга оширилади;

Қорабайир отлари маҳорат мактаби учун Қорабайир зотли отлар Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси мутахассисларининг хулосасига асосан танлаб олинади.

Қорабайир отлари маҳорат мактабига ўз фаолияти ихтисослиги бўйича пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда унинг ходимларини моддий рағбатлантиришга рухсат берилсин.

5. Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Қорабайир отлари маҳорат мактабида шуғулланувчилар кейинчалик бепул фойдаланишлари учун Қорабайир зотли отларни Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджети ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг маблағлари ҳисобидан сотиб олиш ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

6. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти

федерацияси, Ўзбекистон замонавий бешкураш федерацияси, Ўзбекистон поло федерацияси ҳамда Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерациясининг:

Сурхондарё вилоятини республикада Қорабайир зотли отлар наслчилиги ва спортини ривожлантириш бўйича етакчи ҳудуд сифатида белгилаш;

Сурхондарё вилоятининг барча туманларида Қорабайир зотли отлардан фойдаланишга ихтисослашган секция ва от спорти клубларини ташкил этиш ҳамда юқори малакали тренерларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т. Боболов) икки ой муддатда вилоятнинг туманларида Қорабайир зотли отлардан фойдаланишга ихтисослашган секция ва от спорти клубларини ташкил этиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига бепул фойдаланиш учун тегишли бино ва иншоотларни тақдим этсин, зарур ҳолларда, мазкур бандни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Миллий гвардия, Туризм ва спорт вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси:

бир ой муддатда Қорабайир зотли отлардан фойдаланишни оммалаштириш учун комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

Миллий гвардия, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассис-чавандоз, инструктор-чавандоз ва бошқа ходимларини ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этсин;

Қорабайир отлари маҳорат мактабини малакали мутахассислар билан тўлдириш, зарур ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш, шунингдек, ўқув-машқ жараёнини лозим даражада ташкил этиш учун ўқув биноларини жиҳозлашнинг зарур чораларини кўрсин;

икки ой муддатда Қорабайир отлари маҳорат мактаби томонидан жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш тартибини мазкур хизматлар ҳажмини кўрсатган ҳолда тасдиқласин;

ҳар йили «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида Сурхондарё вилоятида Қорабайир зотли отлар иштирокида халқаро чавандозлар мусобақасини ўтказсин;

ҳар йили Қорабайир зотли отлар иштирокида миллий от спорти турлари, замонавий бешкураш, поло бўйича маҳалла, туман, вилоят ва республика миқёсида мусобақалар ташкил этсин;

2022 йил 1 январга қадар Сурхондарё вилоятининг барча туманларида Қорабайир отлари маҳорат мактабининг секция ва клубларини ташкил этсин.

8. Молия вазирлиги (Т. Ишметов):

2021 йилда Миллий гвардиянинг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича Қорабайир отлари маҳорат мактабини молиявий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ходимлар таъминоти учун Давлат бюджетдан қўшимча маблағлар ажратсин;

2022 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида ушбу қарор доирасида Қорабайир отлари маҳорат мактаби молиявий таъминоти



ҳамда уни моддий-техник жиҳозлаш, шу жумладан отларни парваришлаш учун зарур бўлган бюджет маблағларини назарда тутсин.

9. Миллий гвардия (Р. Джураев) Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси билан биргаликда Қорабайир отлари маҳорат мактаби Қорабайир зотли отларининг селекциясига эътибор берган ҳолда ҳарбий хизматга яроқли хизмат отларини тайёрлаш ва уларни келгусида хизмат мақсадларида фойдаланиш чораларини кўрсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) марказий асаб тизими касалликлари ва от ёрдамида даволаш мумкин бўлган бошқа касалликларнинг рўйхатини шакллантирсин ва касалларни Қорабайир отлари маҳорат мактабига йўналтириш бўйича дастур ишлаб чиқсин.

11. Туризм ва спорт вазирлиги (А. Абдухакимов) Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда икки ой муддатда Қорабайир отлари маҳорат мактабида туризм инфратузилмасини барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Миллий гвардия билан биргаликда:

Қорабайир отлари маҳорат мактабининг фаолиятини намоиш этувчи кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрласин, бунда Қорабайир зотли отларнинг хусусиятларига алоҳида эътибор қаратсин;

мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид туркум мақолалар, брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин;

қорабайир зотли отларни оммалаштириш мақсадида махсус веб-сайтлар ташкил этсин ва унинг фаолиятини доимий йўлга қўйсин;

«Ҳар бир йигитнинг уйида оти бўлсин» шиори остида Қорабайир зотли отларнинг тарғиботини амалга оширсин.

13. Миллий гвардия бир ой муддатда:

Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси билан биргаликда Қорабайир отлари маҳорат мактаби уставининг белгиланган тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Миллий гвардия қўмондони Р.М. Джураев, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов ҳамда туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Қ. Каримов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 5 август,  
ПҚ-5213-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**464 Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

«Маҳаллабай» ишлаш тизими асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда (кейинги ўринларда — «оғир» маҳалла) тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш мақсадида:

1. Андижон вилоятида 210 та «оғир» маҳалла аниқланганлиги ҳамда ушбу маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва хонадонлар ўртасида иқтисодий кооперацияни кенгайтириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 июндаги «Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш ва Андижон вилоятида тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5154-сон қарорига мувофиқ 40 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Маҳаллабай» ва «хонадонбай» ишлаш асосида «оғир» маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича янгича ёндашувни (кейинги ўринларда — «Андижон тажрибаси») республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ этиш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан давлат улушига эга бўлган тижорат банкларига алоҳида тасдиқланадиган тақсимотга асосан 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 7 фоиз ставкада ажратилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 августда эълон қилинган.

3. Республика ҳудудлари кесимида «Андижон тажрибаси» асосида «маҳаллабай» ишлаш тизими жорий этиладиган маҳаллалар сони ва ажратиладиган ресурс миқдори иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров ва Марказий банк раиси М. Нурмуратовга «оғир» маҳаллаларга бириктирилган «етакчи» тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий талабидан келиб чиққан ҳолда ажратилаётган ресурсларни тижорат банклари кесимида тақсимлаш ваколати берилсин.

4. Белгилансинки:

тижорат банклари томонидан кредитлар кооперация асосида кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш учун «оғир» маҳаллаларга бириктирилган «етакчи» тадбиркорлик субъектларига 3 йил муддатгача йиллик 10 фоиз ставкада битта маҳалла учун 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади;

«етакчи» тадбиркорлик субъектларига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кредит суммасининг 75 фоизи миқдоригача кафиллик берилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари икки ҳафта муддатда «Андижон тажрибаси» асосида «маҳаллабай» ишлаш тизими жорий этиладиган «оғир» маҳаллаларнинг манзилли рўйхатини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

6. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 5 август,  
ПҚ-5214-сон

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 465 Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар (кейинги ўринларда — қаровсиз болалар) билан ишлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этиш, шунингдек, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларининг асосий вазибалари, функциялари, ваколатлари, улар фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқариш тартиби, назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни марказга қабул қилиш, рўйхатга олиш ва сақлаш тартиби, вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш ва уларни марказдан чиқариш тартибини назарда тутувчи Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қабул қилинган болалар биринчи навбатда юбориладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари рўйхати 2-иловага\*\* мувофиқ;

Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига қабул қилинган болаларни озик-овқат, бирламчи кийим-кечак ва ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш меъёрлари 3-иловага\*\* мувофиқ;

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштирилган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган ва давлат ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш меъёрлари 4-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

#### 2. Марказлар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қаровсиз болаларнинг шахсини аниқлаш, уларнинг ўқиши ва хулқ-ат-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 августда эълон қилинган.

\*\* 2 — 4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ворини, оиласидаги муҳитни ҳамда қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни тўлиқ ўрганиш;

қаровсиз болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига баҳо бериш ва тиббий текширувдан ўтказиш натижасига кўра уларни ота-онасига (ота-она ўрнини босувчи шахсларга) топшириш ёки тегишли муассасалар (ихтисослаштирилган таълим, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия, болалар ёки соғлиқни сақлаш муассасалари)га жойлаштирилишини ташкил этиш;

қаровсиз болаларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, уларни озиқ-овқат, бирламчи кийим-кечак ва ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш, вақтинча сақлаш ва касб-хунарга ўргатиш тадбирларини ташкил этиш.

3. 2021 йил 1 сентябрдан эътиборан қаровсиз болалар билан ишлаш тизимида шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

а) вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлигини аниқлаш бўйича:

вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан — таълим муассасаларида, профилактика инспекторлари томонидан — хизмат ҳудудида, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари томонидан — оилаларда ўрганиш (кузатиш) ва профилактика тадбирларини амалга ошириш жараёнида қаровсиз болалар аниқланади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган вояга етмаганларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлаш йўналишидаги ишларга фуқаролар йиғинлари раислари масъул этиб белгиланиб, улар зиммасига маҳаллаларда қаровсиз қолган болаларнинг ўз вақтида аниқланмасдан қолиш ҳолатлари бўйича шахсий жавобгарлик юкланади;

вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлиги давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқланган ҳолларда улар бу тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради;

б) қаровсиз болаларни Марказга қабул қилиш ва вақтинча сақлаш бўйича:

профилактика инспектори қаровсиз бола аниқланганлиги ҳақида туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиғининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шаҳар туманлари ички ишлар органлари бошлиғининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича ўринбосари)га (кейинги ўринларда — туман (шаҳар) жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи) навбатчилик қисми орқали хабар беради;

профилактика инспектори боланинг шахсини аниқлаш ҳамда унинг ўқиши ва хулқ-атворини, оиласидаги муҳитни, қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни бирламчи ўрганиш бўйича тадбирларни амалга оширади, агарда боланинг қаровсиз қолмаганлиги тўғрисида хулосага келса, далолатнома тузиш орқали уни ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширади;

профилактика инспектори бирламчи ўрганиш натижаларига кўра бола қаровсиз қолганлиги тўғрисида хулосага келса, ушбу хулосани туман (шаҳар) жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғига тақдим этади, у эса, хулосани кўриб чиқиб, болани Марказга қабул қилиш ҳақида йўлланма тайёрлайди ва уни Марказга юборади;

Марказ ходимлари 5 соат ичида махсус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланаётган манзилга етиб келиб, уни қабул қилиб олади ва белгиланган тартибда Марказга олиб бориб жойлаштиради;

Марказ бошлиғи ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи)га (кейинги ўринларда — ҳудудий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи) қаровсиз бола қабул қилинганлиги ҳақида навбатчилик қисми орқали хабар беради;

Марказ бошлиғининг сўровига асосан ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаси мутахассислари 3 соат ичида Марказга етиб келиб, қаровсиз болани белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтказди;

тиббий текширув ҳулосасига кўра қаровсиз боланинг даволанишга муҳтожлиги (ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан ортда қолган, тан жароҳати, касаллиги, ҳомиладорлиги) аниқланган ҳолларда у даволаниш учун тегишли соғлиқни сақлаш муассасасига ёки ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан ортда қолаётган болаларга мўлжалланган муассасага жойлаштирилади;

Марказ томонидан 48 соат ичида қаровсиз боланинг шахси аниқланади, унинг ўқиши ва хулқ-атворини, оиласидаги муҳитни ҳамда қаровсиз қолишига сабаб бўлган омиллар тўлиқ ўрганилади, боланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра ижобий ҳулосага келинса, бола ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширилади;

Марказ томонидан ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширилган боланинг ўқиши, хулқ-атвори ва оиласидаги муҳит бир йил давомида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари билан биргаликда мониторинг қилиб борилади;

мониторинг давомида боланинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолаётганлиги кузатилса, уни белгиланган тартибда Марказга қайтариш чоралари кўрилади;

боланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра унинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилада яшаётганлиги ва давлат ёрдамига муҳтожлиги тўғрисида ҳулосага келинса, Марказ ушбу болани 48 соатдан ортик, бироқ 30 кундан (зарурат бўлганда 45 кундан) кўп бўлмаган вақт давомида Марказда сақлаш ҳақида судга илтимоснома киритади;

ушбу илтимоснома 24 соат ичида Марказда сайёр ёки онлайн шаклда ўтказиладиган ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади;

суд илтимосномани кўриб чиқиш жараёнида қаровсиз боланинг ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар) рози бўлмаган ҳолда ҳам уни Марказга ва келгусида ихтисослаштирилган таълим муассасасига қабул қилиш масаласини кўриб чиқади;

қаровсиз боланинг доимий яшаш жойи бошқа минтақа ҳудудига бўлса, Марказ 48 соат ичида уни тегишли ҳудуддаги Марказга олиб бориб топширади;

в) қаровсиз болаларни ихтисослаштирилган таълим муассасасига жойлаштириш ва ўқиши давомида хулқ-атворини назорат қилиш бўйича:

худудий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлигининг сўровига асосан уч кун ичида Марказда вояга етмаганлар ишлари бўйича минтақавий идоралараро комиссиянинг сайёр ёки онлайн шаклдаги йиғилиши ўтказилади ҳамда қаровсиз болани унинг хулқ-атвори, психологик қиёфаси, ёши, иқтидори, қобилияти, қизиқишлари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади ҳамда қарор нусхаси тегишли вазирлик ёки идорага юборилади;

тегишли вазирлик ёки идора уч кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича минтақавий идоралараро комиссиянинг қарорига мувофиқ болани ўқишга қабул қилиш тўғрисида йўлланмани ўзига бевосита бўйсунувчи ихтисослаштирилган таълим муассасасига, йўлланманинг нусхасини — Марказга юборади;

Марказ йўлланмага мувофиқ 48 соат ичида болани тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига олиб бориб топширади;

ихтисослаштирилган таълим муассасаси ўқув йили давомида (тегишли синфлар учун белгиланган ёшларга мувофиқ равишда) ўзи бевосита бўйсунувчи вазирлик ёки идоранинг йўлланмасига мувофиқ қаровсиз болани қабул квотасидан ташқари 5 фоиз миқдорида ажратилган қўшимча квоталар доирасида синов ва имтиҳонларсиз ўқишга қабул қилади;

ихтисослаштирилган таълим муассасаси раҳбарининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари қаровсиз болаларга жамоат тарбиячиси сифатида бириктирилади ҳамда уларнинг ўқиши ва хулқ-атворини доимий равишда назорат қилиб боради;

қаровсиз қолган болалар билан ишлаш, уларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштириш ва ўқиш жараёнларининг самарадорлигини ошириб бориш ишларига Халқ таълими вазирлиги бевосита масъул этиб белгиланиб, бу борадаги ишларни ташкил этишда уларнинг худудий органлари раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юкланади;

ўқиш давомида қаровсиз болага худудий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи — умумий мураббий, ихтисослаштирилган таълим муассасасида хизматни ўтайдиган вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог — индивидуал мураббий сифатида бириктирилади ҳамда қаровсиз боланинг ўқиши ва хулқ-атворини кунлик назорат қилиб боради;

ихтисослаштирилган таълим муассасасида қаровсиз боланинг ўқиши ва хулқ-атворини кунлик назорат қилиб боришда, шунингдек, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишини ташкил этишда худудий ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлигининг ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси бўйича ўринбосари (ўғил болалар учун) ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари (қиз болалар учун) бевосита кўмаклашади;

г) қаровсиз болалар ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқишни тамомлаганидан кейин уларнинг бандлигини таъминлаш ва меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш бўйича:

ихтисослаштирилган таълим муассасаси қаровсиз боланинг ўқиши тамомланишига уч ой қолганда бу ҳақда Марказга хабар беради;

худудий жамоат хавфсизлиги хизмати ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқишни тамомлаган қаровсиз вояга етмаган шахснинг профессионал ёки олий таълим муассасасига умумий тартибда ўқишга киришида қўмаклашади;

профессионал ёки олий таълим муассасасига ўқишга кириш истаги бўлмаган ёки ўқишга кира олмаган қаровсиз вояга етмаган бир ой ичида худудий меҳнат органлари томонидан ишга жойлаштирилади;

ихтисослаштирилган таълим муассасаларини тамомлаётган қаровсиз болалар тегишли таълим муассасаси йўлланмаси бўйича «Ишга марҳамат» мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларида Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан бепул ўқитилади;

профессионал ёки олий таълим муассасасига ўқишга кириш истаги бўлмаган ёки ўқишга кира олмаган чақирилиш ёшидаги қаровсиз болани чақирувни амалга оширувчи комиссиялар навбатдаги чақирувда биринчилар қаторида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга юбориш чораларини кўради;

қаровсиз вояга етмаганларнинг иш шароити, меҳнатига ҳақ тўланиши ва ижтимоий мослашуви билан боғлиқ масалалар худудий ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати, меҳнат, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари, «Нуроний» жамғармаси, Ёшлар ишлари агентлиги бўлинмаларининг вакиллари иштирокида тузилган ишчи гуруҳ томонидан бир йил давомида жадвал асосида мониторинг қилиб борилади ҳамда уларга зарур амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади.

4. Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизими самарадорлиги учун қуйидагиларни назарда тутувчи жавобгарлик тизими жорий этилсин:

а) қаровсиз болалар билан ишлаш тизимининг барча бўғинларида мазкур қарорга мувофиқ янги тартибнинг тўлиқ жорий этилиши ва самарали қўлланилиши учун — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, шунингдек, ўзининг тизимида ихтисослаштирилган таълим муассасаси фаолият кўрсатаётган бошқа вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари;

б) қаровсиз болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қуйидагилар:

боланинг қаровсиз қолганлиги аниқланган вақтдан бошлаб Марказга қабул қилингунига қадар — маҳаллий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиги;

Марказга қабул қилинган вақтдан бошлаб ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқишни тамомлагунига қадар — худудий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиги;

ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқишни тамомлаганидан ке-



йин бир йил давомида — ҳудудий ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати, меҳнат, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари, Ёшлар ишлари агентлиги бўлинмалари бошлиқлари шахсан жавобгар ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

қаровсиз боланинг ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқиш харажатлари республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилада яшаётган ва давлат ёрдамига муҳтож қаровсиз болани ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқиши давомида кийим-кечак, пойабзал ва ашёвий таъминот буюмлари билан таъминлаш харажатлари вояга етмаганлар ишлари бўйича минтақавий идоралараро комиссия қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади, агар таълим муассасасида ушбу таъминот назарда тутилган бўлмаса;

вояга етмаганлар ишлари бўйича минтақавий идоралараро комиссия қарорига асосан қаровсиз болаларга Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамда «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан зарур ижтимоий-моддий ёрдам кўрсатиб борилади, шу жумладан, уларга таълим ва касб-хунар ўргатиш бўйича тадбирларга юқори малакали мутахассислар шартнома асосида жалб қилинади;

Марказлар банк ҳисобварағига эга бўлади, унга жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ўтказилади, банк ҳисобварағидаги маблағлар фақат қаровсиз болаларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун мақсадли сарфланади;

Марказ фаолиятига доир тадбирларни амалга оширишда, шу жумладан, қаровсиз болаларни экскурсия ва саёҳатларга олиб боришда аввалдан берилган буюртма асосида ҳудудий ички ишлар органларининг хизмат автобусларидан фойдаланилади;

Марказларда сақланаётган қаровсиз болаларга таълим бериш бўйича жалб этилган педагог-ҳодимлар меҳнатига ўқув машғулотларини ўтказганлик учун соатбай ҳақ тўлаш қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Марказлар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришнинг қуйидагиларни назарда тутувчи тартиби жорий этилсин:

Марказлар фаолиятини назорат қилиш, юклатилган вазифаларни амалга оширишда уларга ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

Марказларга қабул қилинган вояга етмаганларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик хусусиятлари, қобилиятлари, қизиқишлари, ижтимоий мослашуви ва реабилитацияси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги тадбирлар Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

Марказларга қабул қилинган вояга етмаганлар саломатлигини муҳофаза қилиш, санитария қоидалари ва гигиена нормалари, овқатланиш меъёрлари талабларига риоя этилишини таъминлаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

Марказларга қабул қилинган вояга етмаганларнинг оилаларини ўрғаниш, оиласидаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга ёт ғоялардан асраш борасидаги тадбирлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

Марказларга олиб келинган вояга етмаганлар ўртасида меҳнат ҳуқуқлари муҳофазаси бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш, уларни меҳнат бозоридаги юқори талабга эга касб-хунарга ўргатиш бўйича тадбирлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин, шу жумладан, Марказларнинг тузилмасини янги тартиб ва талабларни эътиборга олган ҳолда ҳамда штат birlikларини педагог ва психолог кадрлар билан кучайтириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қаровсиз болалар учун профессионал таълим муассасаларида қўшимча квота ажратиш, ҳудудий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғини вояга етмаганлар ишлари бўйича минтақавий идоралараро комиссия раиси ўринбосари этиб белгилаш, шунингдек, қаровсиз болалар билан ишлаш тизимида жорий этилган янги тартиб ва талабларнинг бузилишига йўл қўйган давлат органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини белгилаш бўйича тақдимнома киритиш ваколатини ҳудудий ички ишлар органлари бошлиғига бериш тўғрисида таклифларни киритсин;

уч ой муддатда вояга етмаганларни ташиш учун Тошкент шаҳридаги Марказни 4 та, бошқа ҳудудлардаги Марказларни 2 тадан «Damas» автотранспорт воситалари билан белгиланган тартибда таъминласин;

уч ой муддатда Марказларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва заруратга кўра қуриш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил 1 ноябрга қадар «E-voysaga yetmaganlar» ягона ахборот тизimini ишлаб чиқсин ва унинг тўлақонли қўлланилишини, шу жумладан қаровсиз болани аниқлаш, Марказга қабул қилиш, тегишли муассасага юбориш, ўқиши ва хулқ-атворини назорат қилиш, ишга жойлаштириш ва

мониторинг олиб бориш жараёнларида қоғоз шаклидаги иш юритувни истисно этган ҳолда, таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Марказлар учун махсус ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 август,  
490-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 августдаги 490-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш  
марказлари тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Марказлар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ички ишлар вазирининг буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмаларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Марказлар ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳамда вояга етмаганларни қабул қилиш, вақтинча сақлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва реабилитациясини амалга оширувчи махсус бўлинмаси ҳисобланади.

4. Марказ давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланиб, мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисобварағига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штампга, бланкларга, шунингдек, вояга етмаганлар тўғрисида идоралараро ахборот алмашиш тизимига ҳамда Марказга қабул қилинган вояга етмаганларга доир маълумотлар базасига эга.

Марказлар банк ҳисобварағига жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ўтказилади, банк ҳисобварағидаги маблағлар фақат қаровсиз болаларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун мақсадли сарфланади.

5. Марказлар бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармаларига бўйсунди.

6. Марказларда вояга етмаганларни сақлаш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи махсус шарт-шароитлар таъминланади:

худудни қўриқлаш;

вояга етмаганларнинг шахсий хавфсизлиги ва уларни салбий таъсирлардан юқори даражада ҳимоя қилиш чоралари;

худудга бегона шахсларнинг эркин киришини чеклаш;

марказда сақланаётган вояга етмаганларнинг марказ худудини эркин тарқ этишини чеклаш;

вояга етмаганларни кеча-кундуз назорат қилиш;

вояга етмаганларни шахсий текширувдан ўтказиш, уларнинг буюмларини, шунингдек, улар олаётган ва юбораётган посилка ва бошқа почта жўнатмаларини текширувдан ўтказиш.

7. Марказлар фаолиятини ташкил этишда вояга етмаганлар билан профилактик тадбирларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ихтиёрий равишда жалб этилиши мумкин.

## **2-боб. Марказларнинг асосий вазифалари, функциялари ва ваколатлари**

8. Марказларнинг асосий вазифалари:

қабул қилинган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

вояга етмаганларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик хусусиятлари, қобилиятлари, қизиқишлари, ижтимоий мослашуви ва реабилитацияси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини шакллантириш;

вояга етмаганларга тиббий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;

ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш.

Марказлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9. Марказлар ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) қабул қилинган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида:

вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаган, уларнинг мажбурий умумий таълим олишига тўсқинлик қилган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан қонуний чора кўрилишида қатнашади;

етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни қабул қилишда васийлик ва ҳомийлик органларига кўмаклашади;

вояга етмаганларнинг доимий ёки вақтинча яшаш манзили бўйича оиласини ўрганиш ишларини ташкил этади;

шахси аниқланмаган вояга етмаганлар бўйича, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги маълумотларни олиш юзасидан давлат органлари, нодавлат ноτιжорат ташкилотларига ҳамда фуқаролик жамияти институтларига сўровлар юборади;

б) вояга етмаганларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатиш, уларнинг ёшига хос бўлган психофизиологик хусусиятлари, қобилиятлари, қизиқишлари, ижтимоий мослашуви ва реабилитацияси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

ваколатли органлар билан ҳамкорликда Марказларга жойлаштирилган ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган вояга етмаганлар учун иш жойлари квотасини белгилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

вояга етмаганларнинг Марказлардан чиқариш даврида уларнинг вояга етганлари орасидан ишсиз бўлганларни ишга жойлаштиради ёки меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга тайёрлаш чораларини кўриш бўйича ишларни ташкил этади;

вояга етмаганларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида улар билан Марказларда ишлаш учун ижод соҳасидаги малакали мутахассисларни жалб қилади;

вояга етмаганларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасидаги қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш бўйича ишларни ташкил этади;

в) вояга етмаганларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини шакллантириш соҳасида:

вояга етмаганларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, Конституция ва қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказди;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш чораларини кўради;

вояга етмаганлар онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб боради;

вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни ташкил қилади, шунингдек, ҳар бир вояга етмаган билан унда давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакл-

лантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган тарбиявий ишар олиб борилишини таъминлайди;

г) вояга етмаганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш ва муҳофаза қилиш соҳасида:

Марказларни дори воситалари, тиббий буюмлар ва зарур тиббий техникалар билан таъминлаш ишларини соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этади;

республика ўқув-тарбия муассасаларига ёхуд вазирлик ва идоралар тасарруфидаги умумтаълим, ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштирилиши режалаштирилган вояга етмаганларни тиббий текширувдан ўтказиш якуни бўйича маълумотларни белгиланган тартибда иш ҳужжатларига қўшиб йиғиб боради;

д) ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида:

ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг соғлом муҳитда яшашини таъминлаш чораларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади;

қабул қилинган вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди

қабул қилинган вояга етмаганлар тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларни хабардор қилади;

е) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш соҳасида:

қабул қилинган вояга етмаганлар билан профилактика ишларини олиб борилишини ташкил этади ва назорат қилади;

якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш чораларини кўради.

Марказлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10. Марказлар ўзига юкланган вазифа ва функцияларни амалга ошириш доирасида қуйидаги ваколатларга эга:

уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлиғини муҳофаза қилиш ёки улар томонидан такроран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кечакундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлаш;

олиб келинган вояга етмаганлар билан якка тартибда профилактика ишини олиб бориш, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон яратадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларни хабардор қилиш;

вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига

олиб бориш, шунингдек, ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;

олиб келинган вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кўриш, улар бўйича давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ва нотижорат ташкилотларига тегишли сўровлар жўнатиш ва зарур маълумотларни олиш;

олиб келинган вояга етмаганларни республика ўқув-тарбия муассасаларига ёхуд вазирлик ва идоралар тасарруфидаги умумтаълим, ихтисослаштирилган таълим муассасаларига юборилиши мақсадга мувофиқлиги юзасидан вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга ҳулоса тақдим этиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Марказлар уларга олиб келинган вояга етмаганлар бўйича юборилган сўровлар ва бошқа маълумотларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этмаган давлат органлари масъул шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) тўғрисида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар прокуратурасини хабардор қилади.

### **3-боб. Вояга етмаганларни Марказларга қабул қилиш ва улардан чиқариш асослари**

11. Марказларга 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган қуйидаги вояга етмаганлар кеча-кундуз қабул қилинади:

ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровсиз қолган;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларда яшаётган ҳамда давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган;

ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қармоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасаларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлар;

ота-онаси қармоғидан маҳрум бўлган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ёшда бўлганлар;

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар, агар вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни таъминлаш ёки улар томонидан такроран ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш зарур бўлса, шунингдек, вояга етмаганларнинг шахси аниқланмаган ёхуд унинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаётган бўлса;

маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган ҳуқуқбузарликларни содир этганлар, агар уларнинг шахси аниқланмаган бўлса ёхуд уларнинг аниқ яшаш жойи бўлмаса ёки ўзлари ҳуқуқбузарликлар содир этган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган бўлса;

ўзининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши тўғрисидаги масаланинг суд томонидан кўриб чиқилишини вақтинча кутиб турганлар;

суднинг ажримига кўра ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига юборилаётганлар.

12. Марказлардан вояга етмаган шахсни чиқариш учун қуйидагилардан бири асос бўлади:

вояга етмаган шахснинг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (васийлик ёки ҳомийлик органи)га топширилиши;

республика ўқув-тарбия муассасасига қабул қилиниши;

болалар-меҳрибонлик уйига қабул қилиниши;

ихтисослаштирилган таълим муассасасига қабул қилиниши;

вояга етмаган шахсда марказда қолишига тўсқинлик қилувчи касаллик аниқланганлиги сабабли уни соғлиқни сақлаш муассасасига юборилиши;

олиб келинган вояга етмаган шахснинг 18 ёшга тўлиши.

#### **4-боб. Назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларни қабул қилиш тартиби**

13. Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар таълим муассасаларида, профилактика инспекторлари хизмат ҳудудида, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари оилаларда ўрганиш (кузатиш) ва профилактик тадбирларни амалга ошириш жараёнида қаровсиз болаларни аниқлайди.

14. Вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлиги давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқланган ҳолларда улар бу тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради.

15. Профилактика инспектори бирламчи ўрганиш натижаларига кўра бола қаровсиз қолганлиги тўғрисида хулосага келган тақдирда, ушбу хулосани маҳаллий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғига тақдим этади, маҳаллий жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи эса, хулосани кўриб чиқиб, болани Марказга қабул қилиш юзасидан йўлланма тайёрлайди ва уни Марказга юборади.

16. Марказ ходимлари 5 соат ичида махсус автотранспорт воситасида қаровсиз бола сақланаётган манзилга етиб келиб, уни қабул қилиб олади ва белгиланган тартибда Марказга олиб бориб жойлаштиради.

17. Марказ бошлиғи ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи)га қаровсиз бола қабул қилинганлиги ҳақида навбатчилик қисми орқали хабар беради.

18. Марказ бошлиғининг сўровига асосан ҳудудий соғлиқни сақлаш



муассасаси мутахассислари 3 соат ичида Марказга етиб келиб, қаровсиз болани белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтказилади.

Тиббий текширув хулосасига кўра қаровсиз боланинг даволанишга муҳтожлиги (ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан орқада қолган, тан жароҳати, касаллиги, хомиладорлиги) аниқланган ҳолларда у даволаниш учун тегишли соғлиқни сақлаш муассасасига ёки ақлий ва руҳий ривожланишда ёшига нисбатан орқада қолаётган болаларга мўлжалланган муассасага жойлаштирилади.

19. Марказ 48 соат ичида қаровсиз боланинг шахсини аниқлайди, унинг ўқиши ва хулқ-атворини, оиласидаги муҳитни ҳамда қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни тўлиқ ўрганади, боланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра ижобий хулосага келса, уни ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширади.

Марказдан ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар)га топширилган боланинг ўқиши, хулқ-атвори ва оиласидаги муҳит бир йил давомида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар томонидан маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш органлари билан биргаликда мониторинг қилиб борилади.

Мониторинг давомида боланинг ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда қолаётганлиги кузатилса, уни белгиланган тартибда Марказга қайтариш чоралари кўрилади.

20. Марказ боланинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига баҳо бериш натижасига кўра унинг ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволдаги оилада яшаётганлиги ва давлат ёрдамига муҳтожлиги тўғрисида хулосага келса, ушбу болани Марказда 48 соатдан ортик, бироқ 30 кундан (зарурат бўлганда 45 кундан) кўп бўлмаган вақт давомида сақлаш ҳақида судга илтимоснома киритади.

Ушбу илтимоснома 24 соат ичида Марказда сайёр ёки онлайн шаклда ўтказиладиган ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади.

Суд илтимосномани кўриб чиқиш жараёнида қаровсиз боланинг ота-онаси (ота-она ўрнини босувчи шахслар) рози бўлмаган ҳолда ҳам уни Марказга ва келгусида ихтисослаштирилган таълим муассасасига қабул қилиш масаласини кўриб чиқади.

21. Қаровсиз боланинг доимий яшаш жойи бошқа минтақа ҳудудида бўлса, Марказ 48 соат ичида уни тегишли ҳудуддаги Марказга олиб бориб топширади.

22. Вояга етмаганларни 48 соатдан кўп бўлмаган муддатга Марказларга қабул қилишга туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиқлари ёки Марказ бошлиғи ёхуд унинг ўринбосарларининг қарори асос бўлади.

Вояга етмаганларни 48 соатдан кўп бўлган муддатга Марказларга қабул қилиш учун суднинг қонуний кучга кирган ажрими асос бўлади.

23. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар томонидан вояга етмаганлар назоратсиз ва қаровсиз қолганлиги аниқланганда вояга етмаганлар марказга қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш мақсади-

да туман (шаҳар) ички ишлар органларининг энг яқин таянч пунктига ёки Марказга олиб келинади.

Вояга етмаганларни марказларга қабул қилиш борасидаги тадбирлар мазкур Низомга иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

24. Марказ бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари вояга етмаган шахс ушбу Марказга қабул қилинганлиги тўғрисида мазкур Марказ жойлашган ҳудуддаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни зудлик билан, лекин узоғи билан 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилади.

25. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия тақдим этилган ҳужжатларни зудлик билан кўриб чиқиб, 48 соатдан кўп бўлмаган муддатда туман (шаҳар) ички ишлар органлари ёки марказ бошлиғининг ёхуд унинг ўринбосарларининг вояга етмаганни Марказга қабул қилиш тўғрисидаги қарорини келишиб беради.

26. Вояга етмаганлар ва уларнинг буюмлари Марказга жойлаштирилишидан олдин бир жинсга мансуб икки ёки ундан ортиқ шахслар иштирокида шахсий кўриқдан ўтказилади.

Шахсий кўриқ натижасида тан жароҳати ҳолатлари аниқланганда ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига хабар берилади ҳамда Марказда сақланиши ман этилган буюмлар олиб кўйилади ва ўтказилган шахсий кўриқ натижасига кўра далолатнома расмийлаштирилади.

27. Марказга олиб келиниши тақиқланган буюмлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда юритилади.

28. Пул маблағлари ёки моддий қийматга эга бўлган буюмлар, ҳужжатлар, шахсий ашёлар ва бошқа буюмлар Марказнинг ушбу буюмларни сақлаш учун масъул этиб тайинланган ходимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ вақтинчалик сақлаб туриш учун топширилади.

29. Марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар тўғрисида маълумот улар Марказга олиб келинган куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда юритиладиган вояга етмаганларни рўйхатга олиш китобига қайд ёзуви киритилади.

30. Марказга қабул қилинган вояга етмаганлар 48 соатгача Марказда сақланса, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклдаги ҳисобга олиш карточкаси (электрон тарзда) тўлдирилади, Марказга жойлаштирилган вояга етмаганлар 48 соатдан ортиқ сақланса, унга нисбатан Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган шаклда ҳисобга олиш йиғмажилди юритилади. Йиғмажилд электрон тарзда юритилиши ҳам мумкин.

31. Жиноят содир этган ва жиноят содир этишда гумонланаётган, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар, шунингдек, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари ёки алкоголь ичимликлар таъсирида бўлган, ногиронлик белгиси

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

яққол кўриниб турган, ақли норасо бўлган вояга етмаганлар ҳамда 18 ёшга тўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахслар Марказга қабул қилинмайди.

### **5-боб. Марказда вояга етмаганларни сақлаш тартиби**

32. Марказда назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар ўттиз кунгача бўлишлари мумкин. Истисно ҳолларда бу муддат марказ бошлиғи ёки ўринбосарининг илтимосномасига кўра, суднинг ажрими асосида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўн беш кунгача узайтирилиши мумкин.

33. Қўйидагилар вояга етмаганнинг Марказда бўлиш муддатига кирмайди: эълон қилинган карантин ёки фавқулодда ҳолатлар даври;

вояга етмаганнинг соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳужжати билан тасдиқланган ва уни оиласига қайтариш ёки тегишли муассасага юборишга тўсқинлик қилаётган касаллик даври;

суднинг илтимосномани қаноатлантириш ва вояга етмаганни республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тўғрисидаги ажрими юзасидан берилган шикоят (протест)нинг кўриб чиқилиш вақти.

34. Марказга қабул қилинган вояга етмаганлар 20 нафардан ортиқ бўлмаган гуруҳларга тақсимланади. Ўғил болалар ва қиз болалар алоҳида ётоқхоналарга жойлаштирилади.

35. Вояга етмаганлар Марказни ўзбошимчалик билан тарк этишини, ҳуқуқбузарлик содир этилишини истисно этувчи хавфсиз шароитларда сақланади ва кеча-кундуз Марказ ходимлари назорати остида бўладилар.

36. Марказда сақланаётган вояга етмаганларнинг марказ бошлиғи томонидан тасдиқланадиган кун тартибига риоя этишлари навбатчи ходимлар томонидан назорат қилинади. Навбатчи ходимлар таркиби, иш вақти ва хизмат вазифалари марказ бошлиғи томонидан белгиланади.

37. Марказда сақланаётган вояга етмаганлар қўйидаги ҳуқуқларга эга: ота-онасини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни ўзининг Марказга олиб келинганлиги ёки жойлаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг қарорлари ва мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан юқори турувчи органларга, прокуратура органларига ёки судга шикоят қилиш;

ўзгаларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмайдиган инсоний муомалада бўлиш;

чекланмаган миқдорда телефонда сўзлашув, бошқа алоқа воситалари орқали мулоқот ҳамда учрашувга келган оила аъзолари ва яқин қариндошлари билан учрашиш, посилкалар, бандероллар, хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиш;

тасдиқланган меъёрлар бўйича бепул овқат, кийим-кечак, пойабзал ва бошқа ашёвий таъминот буюмларини олиш.

**6-боб. Марказда вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш тартиби**

38. Марказда сақланаётган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш доирасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

а) ички ишлар органлари доимий равишда:

вояга етмаганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, уни содир этишда қатнашган шахсларни, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга жалб қилиш ҳолатларини, вояга етмаганларга нисбатан ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этилганлик ҳолатларини аниқлайди;

вояга етмаганларни моддий таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга хабар беради;

шахси аниқланмаган вояга етмаганлар бўйича, унинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги маълумотларни олиш юзасидан давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларга ҳамда фуқаролик жамияти институтларига сўровлар юборади;

вояга етмаганни топиб олиш шароитлари, юриш йўли, транспорт тури, тахминий яшаш жойлари, кун кечириш учун зарур бўлган пул маблағлари ва манбалари ҳамда шахсини аниқлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаш йўли билан вояга етмаганнинг шахсини аниқлаш чораларини кўради;

вояга етмаганнинг шахси аниқланганидан сўнг бир сутка мобайнида тегишли ички ишлар органларига, ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга, шунингдек, манфаатдор давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларига вояга етмаганнинг бўлиб турган жойи ҳақида маълумотлар юборади;

олиб келинган вояга етмаганларни республика ўқув-тарбия муассасаларига ёхуд вазирлик ва идоралар тасарруфидаги умумтаълим, ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштирилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияга ҳулоса тақдим этади;

б) таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва таълим муассасалари доимий равишда:

вояга етмаганларнинг мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш мақсадида малакали мутахассисларни жалб қилади;

вояга етмаганларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасидаги қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиб беради;

вояга етмаганлар орасида компьютер технологиялари ва Интернетдан фойдаланишни ташкил этиш ҳамда Интернет ахборот тармоғи орқали электрон кутубхона тизимларига кириш имкониятини яратади;

вояга етмаганларнинг орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиб, китобхонлик маданиятини шакллантириш мақсадида Марказда мавжуд кутубхоналарни янги адабиётлар билан тўлдириб боради;

вояга етмаганларга белгиланган тартибда дарс машғулотларини ўтказди;

вояга етмаганнинг турмуш тарзи, алоқалари ва ниятини, унинг шахсий фазилатлари, қизиқишлари, ўзбошимчалик билан ўқишни тўхтатиш, оиладан, таълим муассасаларидан кетиб қолиши сабабларини аниқлайди;

в) соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари доимий равишда:

вояга етмаганларга тиббий ёрдам кўрсатади, белгиланган муддатларда тиббий текширувларни амалга оширади;

республика ўқув-тарбия муассасасига ёхуд вазирлик ва идоралар тасарруфидаги умумтаълим, ихтисослаштирилган таълим муассасаларига жойлаштирилиши режалаштирилган вояга етмаганларни республика ўқув-тарбия муассасасига қабул қилиш мумкинлигини аниқлаш учун бевосита Марказларда бепул тиббий текширувдан ўтказди;

Марказда санитария-гигиена меъёрлари талабларига риоя этилишини таъминлайди;

г) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари доимий равишда:

Марказга жойлаштирилган вояга етмаганларнинг оиласидаги ички муносабатни ва шахслараро муносабатларни ва ижтимоий-маънавий муҳитни фуқаролар йиғини орқали ўрганишни амалга оширади;

оилани ўрганиш жараёнида ундаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, оиладаги ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатади;

вояга етмаган нотинч ва муаммоли оилаларда истиқомат қилаётган бўлса, ушбу оиланинг маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган хавф-хатарларни бартараф этиш борасидаги ишларни ташкил этади;

вояга етмаганни имкон қадар ота-онаси ёки ота-онаси ўрнини босувчи шахслар ёхуд васий ёки ҳомийлар тарбиясида қолиши бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширади;

д) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий органлари ҳар ойда камида икки маротаба:

Марказга қабул қилинган ижтимоий жиҳатдан оғир аҳволда бўлган вояга етмаганлар учун иш жойлари квотасини белгилаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

вояга етмаганларнинг Марказдан чиқиш даврида вояга етганлари ичидан ишсиз бўлганларини ишга жойлаштириш ёки меҳнат бозорининг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга тайёрлаш чораларини кўради;

бўш иш ўринлари базасидан фойдаланган ҳолда Марказдан чиқарилаётган 18 ёшга тўлган ёшларга бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотлар тақдим этади;

Марказга қабул қилинганлар ўртасида меҳнат ҳуқуқлари ва муҳофазаси масалалари бўйича кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб боради.

39. Марказ томонидан сақланаётган вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактика ишларини самарали ташкил этиш доирасида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари жалб этилиши мумкин.

### **7-боб. Вояга етмаган шахсни ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топшириш**

40. Марказ томонидан вояга етмаганларни ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (васийлик ва ҳомийлик органлари)га ёхуд уларнинг вакилларига топшириш далолатнома расмийлаштириш орқали амалга оширилади ва бу ҳақида вояга етмаганларни Марказга қабул қилиш китобига тегишли қайд ёзуви киритилади.

41. Вояга етмаганлар оиласига Марказ ходимлари кузатувида қайтарилади.

Вояга етмаганлар ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, шунингдек, уларнинг вакилларига бериб юборилиши мумкин.

42. Ота-онаси ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаган фарзандини Марказдан олиб кетиш имконияти йўқлиги аниқланган тақдирда, вояга етмаганни яшаш манзилига кузатиб бориш Марказ томонидан амалга оширилади.

43. Ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга топширилган вояга етмаганнинг яшаш шароити ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари томонидан уч ой мобайнида мониторинг қилиб борилади.

44. Вояга етмаганнинг яшаши учун зарур шароитлар йўқлиги ёки бошқа сабабларга кўра яшаш жойига қайтиш имкони бўлмаган тақдирда, марказ бошлиғи бу ҳақида уни қабул қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун унинг яшаш жойи бўйича вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга хабарнома юборади, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда вояга етмаганни тегишли муассасага жойлаштириш чораларини кўради.

### **8-боб. Вояга етмаган шахсни республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш**

45. Қуйидаги ҳолларда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларни республика ўқув-тарбия муассасаларига қабул қилиш юзасидан Марказ томонидан вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияларга ҳулоса тақдим этилади:

ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган ёхуд рухий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг моҳиятини тўлиқ англаб етишга қодир бўлмаган;

айблилиги тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан жиноий жавобгарликдан озод қилинган, тегишли материаллар вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга кўриб чиқиш учун топширилган бўлса;

ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш тарикасидаги мажбурлов чораси қўлланилган ҳолда жиноий жазодан озод қилинган бўлса;

якка тартибдаги профилактика иши олиб борилаётганлигига қарамадан мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир қилишни давом эттираётган бўлса.

46. Марказ томонидан вояга етмаганларни республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш суд ажримига асосан амалга оширилади.

47. Марказ вояга етмаганни жинсига қараб тегишли республика ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш чораларини кўради.

48. Республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилиши лозим бўлган вояга етмаганлар ушбу муассасаларга тегишли ҳужжатлари расмийлаштирилгандан сўнг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ юборилади.

### **9-боб. Вояга етмаган шахсни «Меҳрибонлик» уйига ёки ихтисослаштирилган таълим муассасасига жойлаштириш**

49. Вояга етмаганларни меҳрибонлик уйларига жойлаштириш вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия қарорига мувофиқ, вазирлик ва ҳомийлик органлари томонидан Марказ ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

50. Ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи (Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи)нинг сўровига асосан уч кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича минтақавий идоралараро комиссиянинг сайёр ёки онлайн шаклдаги йиғилиши Марказда ўтказилади ҳамда қаровсиз болани унинг хулқ-атвори, психологик портрети, ёши, иқтидори, қобиляти, қизиқишлари ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарор нусхаси тегишли вазирлик ёки идорага юборилади.

51. Тегишли вазирлик ёки идора уч кун ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича минтақавий идоралараро комиссиянинг қарорига мувофиқ болани ўқишга қабул қилиш тўғрисида йўлланмани ўзига бевосита бўйсунувчи ихтисослаштирилган таълим муассасасига, йўлланманинг нусхасини эса Марказга юборади.

52. Марказ йўлланмага мувофиқ 48 соат ичида болани тегишли ихтисослаштирилган таълим муассасасига олиб бориб топширади.

53. Ихтисослаштирилган таълим муассасаси ўқув йили давомида (те-

гишли синфлар учун белгиланган ёшларга мувофиқ равишда) ўзи бевосита бўйсунувчи вазирлик ёки идоранинг йўлланмасига мувофиқ қаровсиз болани қабул квотасидан ташқари 5 фоиз миқдорида ажратилган қўшимча квоталар доирасида синов ва имтиҳонларсиз ўқишга қабул қилади.

### **10-боб. Вояга етмаган шахсни кузатиб бориш**

54. Яшаш (қабул қилиш) жойига юборилаётган вояга етмаганлар бепул йўлқира чиптаси, шунингдек, белгиланган нормаларда йўл учун озиқ-овқат ёки пул маблағлари билан таъминланади. Зарурат бўлганда вояга етмаганларга алоҳида кийим-кечак ва пойабзал буюмлари берилиши мумкин.

55. Марказ ходимлари томонидан вояга етмаганларни истиқомат қилиш жойига кузатиб бориш (жойлаштириш) қўйидаги тартибда амалга оширилади:

1-2 нафар вояга етмаганни кузатиб бориш учун 2 нафар;

3-4 нафар вояга етмаганни кузатиб бориш учун 2 — 4 нафар;

5 ва ундан ортиқ вояга етмаганни кузатиб бориш учун 4 — 10 нафар.

56. Вояга етмаганларни яшаш (қабул қилиш) жойига кузатиб бориш Марказнинг шаҳодатланган ходимлари томонидан амалга оширилади. Вояга етмаганнинг соғлиғи билан боғлиқ ҳолат юзага келган ҳолларда хизмат сафарига тиббий ходимлар ҳам жалб этилиши мумкин.

57. Агарда кузатувда уч ёки ундан ортиқ ходим иштирок этадиган ҳолат юзага келса, марказ бошлиғи ҳудудий бўлинмалар бошлиқларига қўшимча ходим ажратишга рухсат берилиши юзасидан билдирги ёзади.

58. Марказ бошлиқлари ҳудудий бўлинмалар бошлиқлари рухсати билан хизмат сафарига юборилаётган ходимлар билан вояга етмаганни кузатиб бориш ва жойлаштириш юзасидан белгиланган тартибда йўриқнома ўтказиб, уларнинг орасидан унвони ва лавозими юқори бўлган ходимни гуруҳ раҳбари этиб белгилаб, йўриқнома баёни билан тасдиқлайди.

59. Кузатилаётган вояга етмаганларга тегишли бўлган ҳужжатлар, улар тўғрисидаги батафсил маълумотлар Марказнинг ижтимоий ходими ҳамда психологи томонидан тайёрланиб, вояга етмаганнинг барча буюмлари билан бирга хизмат сафарига юборилаётган ходимларга тақдим этилади.

Вояга етмаганни Марказга қабул қилишда улардан вақтинчалик сақлаб туриш учун олинган пуллар, ҳужжатлар, шахсий ашёлар ва бошқа буюмлар тилхат билан унинг ота-оналарига ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга, шунингдек, васийлик ва хомийлик органлари, таълим муассасаси вакиллариغا ёки қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсларга эса далолатнома орқали топширилади.

60. Марказдаги вояга етмаганларни кузатишда транспорт воситаларнинг барча турларидан фойдаланилади. Кузатишга сарф бўладиган маблағлар белгиланган тартибда вояга етмаганларни марказда сақлаш учун республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

61. Республика ўқув-тарбия муассасаларини, етим болалар ва ота-она қарамовидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган таълим муассаса-



ларини ёхуд бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарк этганлиги учун Марказда сақланаётган вояга етмаганлар, агар ушбу муассасалар ёки Марказ бошқа ҳудудларда жойлашган бўлса, вояга етмаган тегишлилиги бўйича Марказ ходимлари кузатувида, агар ушбу муассасалар Марказ билан битта ҳудудда жойлашган бўлса, тегишли муассаса вакиллари кузатувида қайтарилади.

Марказ ҳамда ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатиб ўтилган муассасаларнинг вакиллари вояга етмаган топилганлиги ҳақидаги хабарнома олингандан сўнг уч кун мобайнида вояга етмаганни олиб кетиш учун Марказга етиб келиши шарт.

62. Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ота-она қарамовидан маҳрум бўлган вояга етмаган фарзандларини ватанларига қайтариш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар Марказда сақланади.

63. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Марказлар ходимларига вояга етмаганларни олиб келиш ва уларни яшаш жойларига олиб боришда навбатдан ташқари чипта (шаҳарлараро ва халқаро йўналишларида) сотиб олишларида амалий ёрдам кўрсатади.

64. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Ички ишлар вазирлиги Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармаси вояга етмаганларни кузатаётган Марказ ходимларига вояга етмаганларни бир транспортдан бошқа транспортга ўтиш чоғида ва йўлнинг охириги пунктларида қўриқлашга, кузатув вақтида қочиб кетган вояга етмаганларни қидиришга ваколатлари доирасида кўмаклашади.

### **11-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш тартиби**

65. Марказ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилади.

Марказ санитария-гигиена меъёрлари ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган, вояга етмаганларни хавфсиз сақлаш учун яроқли биноларда, қоида тариқасида, вилоят марказларида ташкил этилади.

66. Марказга хизмат кўрсатувчи тиббиёт ходимлари ҳамда вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш борасидаги тадбирларни амалга оширувчи тарбиячи педагоглар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ туну-кун Марказда фаолият олиб боради.

67. Марказнинг ташкилий тузилмаси ва штат бирликлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда белгиланади.

68. Марказга бевосита раҳбарликни тегишли равишда ҳудудий бўлинмалар бошлиқлари томонидан тайинланадиган бошлиқ (кейинги ўринларда — Марказ бошлиғи) амалга оширади.

69. Марказ бошлиғи Марказ номидан фаолият кўрсатади, унинг манфаатларини ифодалайди, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шартномалар тузади.

70. Марказ бошлиғи:

Марказ ваколоти доирасига кирувчи масалалар бўйича буйруқ ва қарорлар қабул қилади ҳамда Марказга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Марказ фаолиятида қонунийликни таъминлаш чораларини кўради, ходимларнинг касбий тайёргарлиги ва интизоми, хизмат фаолияти юзасидан назоратни амалга оширади;

ўз ўринбосарининг ваколатларини белгилайди, ходимлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, ички тартиб ва Марказда сақланаётган вояга етмаганларнинг хулқ-атвори қоидалари ва кун тартибини тасдиқлайди;

ўз ваколатлари доирасида Марказнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

71. Тегишлилиги бўйича ҳудудий бўлинмалар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини мувофиқлаштириш бўлинма (гуруҳлари) Марказ фаолиятини (хўжалик ва молиявий фаолияти бундан мустасно) мониторинг қилиб боради ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифларни Ички ишлар вазирлиги раҳбариятига тақдим этиш учун ҳудудий бўлинмалар раҳбариятига киритади.

### **12-боб. Марказнинг фаолиятини молиялаштириш, унинг мол-мулки ва молия-хўжалик фаолияти**

72. Марказ фаолиятини молиялаштириш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;  
хомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

73. Марказ фаолияти тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

74. Марказ Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда техника воситалари, транспорт воситалари, мебель, жиҳозлар ва бошқа мол-мулк билан таъминланади.

75. Марказ ходимларининг иш ҳақи қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

76. Марказнинг молиявий-статистика ҳисоботлари ҳудудий бўлинмалар молия бўлимлари томонидан юритилади.

77. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш молия органлари томонидан амалга оширилади.

### **13-боб. Яқунловчи қоидалар**

78. Ваколатли органлар томонидан эълон қилинган карантин ва фавқулодда ҳолатлар даврида Марказга қабул қилинган вояга етмаганлар ка-

рантин тугагунга қадар ёки фавқулодда ҳолатлар бартараф этилгунига қадар сақланади.

Карантин даврида Марказга вояга етмаганлари қабул қилиш вақтинча тўхтатилади.

79. Марказда вояга етмаганларни овқатлантириш ва бошқа маиший хизматлар аутсорсинг хизматини жалб қилиш орқали ташкил этилади ва амалга оширилади.

80. Марказда вояга етмаганларни овқатлантириш ва бошқа маиший хизматлар учун пул маблағлари йиллик буюртмалар бўйича белгиланади ва аутсорсинг хизматлари учун келишилган ҳисоб-китоблар, озиқ-овқат нархлари белгиланган меъёрлар асосида йил бўйича режалаштирилади.

81. Марказ ходимлари штат бирликларини ўзгартириш ҳамда уларни ўзининг функцияси билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири рухсати билан амалга оширилади.

82. Марказ ходимлари хизматни фуқаролик кийимида олиб боради. Марказ ходимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган байрам кунлари, йиғилишларда, ўқув машғулотлари ўтказилган вақтларда хизмат кийимида бўлишади.

83. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

84. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 августдаги 490-сон қарорига  
5-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сон қарори билан тасдиқланган «Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақида»ги Низомнинг 12-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ота-онасининг қаровисиз қолган болалар уларнинг шахси аниқлангунга ва зарур ҳужжатлар расмийлаштирилгунга қадар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вақтинча вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига қабул қилинади ҳамда етти кун мобайнида тегишли маълумотлар ички ишлар органлари томонидан болалар яшайдиган ҳудуддаги туман (шаҳар) васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 октябр-

даги 880-сон қарорига 2-илованинг «Кийим-кечак ва пойабзал буюмлари билан таъминлаш меъёрлари» деб номланган II бўлимида:

24-позициясининг «ўғил болалар», «қиз болалар» устунларида «4» рақами «6» рақами билан алмаштирилсин;

25-позициясининг «ўғил болалар», «қиз болалар» устунларида «5» рақами «12» рақами билан алмаштирилсин;

26-позициясининг «ўғил болалар», «қиз болалар» устунларида «5» рақами «6» рақами билан алмаштирилсин;

28-позициясининг «ўғил болалар», «қиз болалар» устунларида «2» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 августдаги 490-сон қарорига  
6-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2010 йил 26 ноябрдаги 269-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 11-сон, 63-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)» 2017 йил 16 июндаги 385-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 103-модда) 1-илованинг 7-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**466 Мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Республика ҳудудларидаги мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг камровини янада кенгайтириш ҳамда мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида» 2019 йил 18 сентябрдаги 786-сон қарорига асосан:

а) 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, республиканинг тегишли вилоятлари 13 та туманларида замонавий талабларга жавоб берадиган ва қайта жиҳозланган ISUZU HC 40 автобуслар мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш тизими (кейинги ўринларда — мобиль гуруҳлар) тажриба-синов тариқасида ташкил этилганлиги;

б) ўтказилган тажриба-синов натижаларида қуйидагилар муваффақиятли амалга оширилганлиги:

мобиль гуруҳлар мактабгача таълим ташкилотларини қуриш имконсиз бўлган, олис ва чекка аҳоли манзилларида жойлашган 44 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилиб, ушбу ҳудудларга яқин жойлашган 16 та давлат мактабгача таълим ташкилотларига бириктирилганлиги;

93 та мобиль гуруҳлар ташкил этилиб, жами 1 556 нафар мактабгача бўлган ёшдаги болалар мактабгача таълим билан қамраб олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб, республиканинг барча ҳудудларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш тизимини кенг жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

мобиль гуруҳлар мактабгача таълим тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади;

мобиль гуруҳлар замонавий талабларга жавоб берадиган ва ушбу қарор билан тасдиқланган Низомнинг 2-иловасида белгиланган нормативларга мувофиқ қайта жиҳозланган махсус автотранспорт воситалари — автобуслар базасида ташкил этилади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда доимий равишда республика бўйича мактабгача таълим ташки-

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 4 августда эълон қилинган.

лотларини қуриш имконсиз бўлган, олис ва чекка ҳудудларни аниқлаб, улардаги мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинганлигини таҳлил қилган ҳолда мобиль гуруҳлар ташкил этиладиган манзиллар рўйхатини тасдиқлайди;

4. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мобиль гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш борасидаги асосий вазифалари этиб белгилансин:

мобиль гуруҳларни мактабгача таълим ташкилотларини қуриш имконсиз бўлган, олис ва чекка аҳоли манзилларида ташкил этиш;

мобиль гуруҳларни мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалардан шакллантириш;

мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёнига инновацион педагогик технологияларни, таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

мобиль гуруҳларни ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, миллий маданий-тарихий бойликларни акс эттирадиган ҳамда болаликдан китоб ўқишга қизиқишни оширадиган бадиий адабиётлар билан таъминлаш;

илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг ҳар томонлама етук, интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача таълим ташкилотларига бормайдиган болаларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ва уларни бошланғич таълимга тайёрлаш;

ота-оналарга болаларнинг ривожланиши, уларга таълим-тарбия бериш масаласида маслаҳат ва тавсиялар бериш, методик кўрсатмалар тақдим этиш орқали амалий ёрдам кўрсатиш;

мобиль гуруҳларни юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг жисмоний тарбия ва биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича малакасини ошириш юзасидан қисқа муддатли ўқув курсларини бепул ташкил этиш;

мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини ривожлантириш.

5. Қўйидагиларни назарда тутувчи Мактабгача таълим мобиль гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

мобиль гуруҳларни ташкил этиш, уларни ҳудуддаги энг яқин давлат мактабгача таълим ташкилотларига тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг буйруғига асосан бириктириш тартиби;

мобиль гуруҳларни болалар ўзини қулай ҳис этишига, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ жиҳозлаш нормативлари;

мобиль гуруҳларнинг таълим бериш ва ўйин фаолиятини ташкил этиш учун ўйин майдончаларини жиҳозлаш нормативлари;

мобиль гуруҳларга болаларни қабул қилиш тартиби.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари мобиль гуруҳлар ташкил этиладиган манзиллар рўйхати тасдиқлангандан кейин бир ой муддатда:

мобиль гуруҳлар учун таълим бериш ва ўйин майдончаларини ташкил этиш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш, зарурат бўлганда, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ усти ёпиқ ўйин майдончаларини қуриш чораларини кўрсин;

ёқилғи-мойлаш материаллари сарфи учун зарур маблағларнинг йиллик лимитини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда мобиль гуруҳларнинг таълим-тарбия жараёни сифатини тизимли назорат қилиш ва фаолиятини ташкил қилиш мониторингини амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларини шакллантиришда ушбу қарор доирасидаги тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қайта жиҳозланган автобуслар бепул расмийлаштирилиши, рўйхатдан ўтказилиши, уларга давлат рақами белгилари ажратилиши, шунингдек, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа тартиб-таомиллар амалга оширилишини таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида» 2019 йил 18 сентябрдаги 786-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бир ой муддатда:

мобиль гуруҳлар бириктирилган мактабгача таълим ташкилотларининг намунавий штатлар жадвалига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирайсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 3 август,  
494-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 3 августдаги 494-сон қарорига  
ИЛОВА

**Мактабгача таълим мобиль гуруҳлар фаолиятини  
ташқил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом мактабгача таълим мобиль гуруҳлар (кейинги ўринларда — мобиль гуруҳлар) фаолиятини ташқил этиш тартибини белгилайди.

2. Мобиль гуруҳлар ташқил этиш тартиби ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

3. Мобиль гуруҳлар юридик шахс ҳисобланмайди ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**2-боб. Мобиль гуруҳлар мақсади ва вазифалари**

4. Мобиль гуруҳлар мақсади болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кенгайтириш, мактабгача таълим ташкилотларига бормайдиган болаларга таълим хизматлари кўрсатишдан иборат.

5. Мобиль гуруҳларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:  
мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг ҳар томонлама етук, интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача таълим ташкилотларига бормайдиган болаларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ва уларни бошланғич таълимга тайёрлаш;

болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;

болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;

бола шахсининг асосларини шакллантириш, унинг билим орттиришга бўлган қизиқишларини ривожлантириш;

таълим-тарбия жараёнига инновацион педагогик технологиялар, таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва услубларини жорий этиш;

ота-оналарга болаларнинг илк ривожланиши ва уларга таълим-тарбия бериш масаласида маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш.

**3-боб. Мобиль гуруҳларда таълим-тарбия жараёнининг  
иштирокчилари**

6. Мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни иштирокчилари қуйидагилардан иборат:

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



мобиль гуруҳ тарбияланувчиси;

боланинг қонуний вакиллари;

педагог кадрлар (тарбиячи ва тарбиячининг ёрдамчиси).

7. Мобиль гуруҳларда тегишли касбий маълумотга, тайёргарликка, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

8. Мобиль гуруҳларда фаолият кўрсатадиган педагог кадрлари (тарбиячи, тарбиячининг ёрдамчиси) ва ҳайдовчи мобиль гуруҳлар бириктирилган давлат мактабгача таълим ташкилотининг штатида ҳисобда туради.

9. Мобиль гуруҳларда фаолият кўрсатадиган педагог кадрлари (тарбиячи, тарбиячининг ёрдамчиси) давлат мактабгача таълим ташкилоти директориға ҳисобот беради.

10. Мобиль гуруҳлар ходимлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили тиббий кўриқдан ўтади.

11. Боланинг қонуний вакиллари мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни билан танишиш ҳуқуқига эга.

12. Мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни иштирокчилари ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **4-боб. Мобиль гуруҳларни ташкил этиш**

13. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда доимий равишда республика бўйича мактабгача таълим ташкилотларини қуриш имконсиз бўлган, олис ва чекка ҳудудларни аниқлайди ва уларда мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинганлигини таҳлил қилган ҳолда мобиль гуруҳлар ташкил этиладиган манзиллар рўйхатини тасдиқлайди.

14. Мобиль гуруҳлар замонавий талабларга жавоб берадиган ва ушбу Низомнинг 2-илоvasида\* белгиланган нормативларга мувофиқ қайта жиҳозланган махсус автотранспорт воситалари — автобуслар базасида ташкил этилади.

15. Қайта жиҳозланган автобусларнинг ички қисми унда болалар ўзини қулай ҳис этишига, мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

16. Қайта жиҳозланган автобуслар билан таъминлаш ва уларни манзиллар рўйхатига асосан ҳудудларга тақсимлаш бўйича чоралар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

17. Мобиль гуруҳлар ташкил этиладиган манзиллар рўйхати тасдиқлангандан кейин бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан:

мобиль гуруҳларда таълим-тарбияни ташкил этиш учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ фақат фанлар-

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни ривожлантирувчи муҳит ва ўйин фаолиятини ташкил этиш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдонлари ажратилади;

зарурат бўлганда, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ усти ёпиқ ўйин майдончаларини қуриш чоралари кўрилади;

ёқилғи мойлаш материаллари сарфи учун зарур маблағларнинг йиллик лимити тасдиқланади.

18. Мобиль гуруҳларда таълим бериш ва ўйин фаолиятини ташкил этиш учун ажратилган ер майдончалари ушбу Низомнинг 3-иловасида\* белгиланган нормативларини инобатга олган ҳолда жиҳозланади.

19. Мобиль гуруҳларга қабул қилинадиган болалар рўйхати туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан ҳудудлардаги мактабгача таълимга қамраб олинмаган болалардан шакллантирилади.

20. Мобиль гуруҳлар ҳудуддаги энг яқин давлат мактабгача таълим ташкилотларига тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг буйруғига асосан бириктирилади.

21. Мобиль гуруҳлар ўз фаолиятини бириктирилган мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг буйруғига асосан амалга оширади.

### **5-боб. Мобиль гуруҳларига болаларни қабул қилиш**

22. Бир мобиль гуруҳдаги болалар сони қайта жиҳозланган автобуснинг кўзда тутилган характеристикасидан (ўриндиқлар сони) келиб чиққан ҳолда камида ўн олти нафар, кўпи билан ўттиз нафар бўлиши лозим.

23. Мобиль гуруҳларга бир хил ёки турли ёшдаги болалар мобиль гуруҳларга бириктирилган давлат мактабгача таълим ташкилоти директорининг буйруғи билан қабул қилинади.

24. Мобиль гуруҳларга қабул қилинадиган болалар ҳамда улардаги бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотлар туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимига киритилади.

25. Мобиль гуруҳларга болалар қўйидагилар асосида қабул қилинади: боланинг қонуний вакиллари аризаси; туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан бериладиган йўлланма;

бола соғлиғи тўғрисидаги тиббий маълумотнома.

26. Боланинг қонуний вакиллари аризасига қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

боланинг қонуний вакиллари фуқаролик паспорти нусхаси (идентификация ID-картаси нусхаси);

боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

боланинг 2 дона 3x4 ҳажмидаги фотосурати.

27. Мобиль гуруҳларда бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда, мобиль гуруҳларга болалар ўқув йили давомида қабул қилиниши мумкин.

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

28. Мобиль гуруҳларда бўш ўринлар мавжуд бўлмаган тақдирда, болалар уларнинг қонуний вакиллари томонидан мобиль гуруҳларга қабул қилиш бўйича туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларида навбатга қўйилади.

29. Мобиль гуруҳларга болаларни навбатга қўйиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг буйруғи билан белгиланади.

30. Болаларни бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўқув йили давомида боланинг қонуний вакиллари аризаси асосида бўш ўрин бўлган тақдирда ўтказилади.

31. Мактабгача таълим ташкилотларига бормайдиган алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар мобиль гуруҳларда тиббий салбий кўрсатмалар бўлмаганда таълим олишлари мумкин.

32. Тиббий салбий кўрсатмалар ва бўш ўрин бўлмаслиги болани мобиль гуруҳга қабул қилиш тўғрисидаги аризани рад этиш учун асос бўлади.

33. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ, болада тиббий салбий кўрсатмалар мавжуд бўлганда, боланинг яшаш жойидаги тиббиёт ташкилоти томонидан мобиль гуруҳга боришга рухсат этиш тўғрисида хулоса берилади ва унда ота-онасининг бири ёки боланинг бошқа яқин қариндоши бўлиши зарурлиги кўрсатилади.

#### **6-боб. Мобиль гуруҳларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш**

34. Мобиль гуруҳларда ўқув йили ҳар йили 2 сентябрдан келгуси йилнинг 31 майгача ҳамда ёзги соғломлаштириш даври 1 июндан 31 августгача ҳисобланади.

Бунда, 1 сменадаги машғулотлар давомийлиги 3 соатгача бўлиши лозим.

35. Мобиль гуруҳларда давлат мактабгача таълим хизматлари бепул кўрсатилади.

36. Мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни ўзига хос алоҳида хусусиятлари инobatга олинган ҳолда ташкил этилади.

37. Мобиль гуруҳларнинг иш тартиби 1 кунда 3 сменагача, ҳафта давомида 6 кунгача амалга оширилиши мумкин.

38. Мобиль гуруҳларда таълим-тарбия жараёни мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида ташкил этилади ва овқатлантиришни мажбурий ташкил этмаган ҳолда, битта майдончада ташкил этилган ҳар бир гуруҳга бир ҳафтада 9 соатдан кам бўлмаган таълим бериш назарда тутилади.

39. Мобиль гуруҳларда боланинг қонуний вакиллари хоҳишига кўра, болаларни тез бузилмайдиган маҳсулотлар билан туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими ва санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан келишилган ҳолда тўлов асосида енгил таомлантириш ташкил этилиши мумкин.

40. Қайта жиҳозланган автобусда болалар бўлган вақтда унинг ҳаракатланишига йўл қўйилмайди.

### **7-боб. Мобиль гуруҳларнинг фаолиятини молиялаштириш**

41. Мобиль гуруҳлар фаолиятини кенгайтириш, шу жумладан, қайта жиҳозланган махсус автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади;

Мобиль гуруҳларни ташкил этиш учун жорий этиладиган штат birlikларини сақлаш, мобиль гуруҳлар ташкил этилган автобусларни ёқилғимойлаш ва эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш, шунингдек, автобуслар ҳаракатини кузатиш тизими (GPS навигация) учун ойлик абонент тўловини амалга ошириш харажатлари ҳар йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

42. Мобиль гуруҳлар фойдаланишидаги мол-мулк қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бириктирилган давлат мактабгача таълим ташкилотининг мол-мулки ҳисобланади.

43. Мобиль гуруҳлар фаолияти тасдиқланган сарф-харажатлар сметаси ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган штатлар жадвалига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

44. Мобиль гуруҳлар ўқув-услубий, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, бадий адабиётлар билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан мазкур мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида таъминланади.

45. Ёқилғимойлаш материаллари сарфи учун зарур маблағлар маҳаллий бюджет ҳисобидан мазкур мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида таъминланади.

46. Мобиль гуруҳлар педагог кадрлари (тарбиячи, тарбиячининг ёрдамчиси) ва ҳайдовчи меҳнатига ҳақ давлат мактабгача таълим ташкилоти учун белгиланган тартибда тўланади.

### **8-боб. Яқунловчи қоида**

47. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**467 Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 15 апрелдаги ПҚ–5077-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

а) Университетга номзодларни бакалаврият таълим йўналишларига курсантлар сафига саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби:

номзодларни курсантлар сафига қабул қилиш ҳарбий-профессионал йўналиш, дастлабки саралаб олиш ва тест синовлари босқичларида амалга оширилади;

ўқишга кириш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга жавоб бериши зарур;

ҳарбий-профессионал йўналишда тадбирларни ташкил этиш Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги ва Мудофаа вазирлигининг тегишли соҳавий хизматлари томонидан таъминланади;

дастлабки саралаб олиш давомида номзоднинг ҳужжатларини тўплаш ва ўрганиш, яқка тартибда суҳбатлашиш, тиббий кўрикдан ўтказиш, индивидуал-психологик ўрганиш ҳамда умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш амалга оширилади;

б) номзодларни умумфуқаровий асосда бакалаврият таълим йўналишларига талабалар сафига қабул қилиш тартиби:

номзодларни умумфуқаровий асосда талабалар сафига қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади;

Университетга ўқишга фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади;

умумфуқаровий асосда талабаликка қабул қилишнинг тўлов-контракт асосидаги қабул кўрсаткичлари, шунингдек, қўшимча табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш Университет томонидан мустақил равишда белгиланади;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 6 августда эълон қилинган.

тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати (шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт қиймати) хар йили Университетнинг Васийлик кенгаши томонидан белгиланади;

в) номзодларни Университет магистратурасига қабул қилиш тартиби: магистратура мутахассисликларига умумфуқаровий асосда талабалikka қабул қилишнинг қабул квотаси Университет имкониятларидан келиб чиқиб, тўлов-контракт (шу жумладан, қўшимча табақалаштирилган тўлов-контракт) асосида Университет томонидан мустақил белгиланади;

Университет магистратурасига 5 йил ва ундан кўп хизмат стажига эга бўлган, камида «майор» офицер лавозимларида хизмат ўтаётган, ўқишга қабул йилининг 31 декабригача 45 ёшдан ошмаган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) қабул қилинади;

магистратурага ўқишга қабул қилинган шахсларнинг охириги эгаллаб турган лавозими учун белгиланган пул таъминоти ўқиш даври мобайнида сақлаб қолинади;

магистратурага қабул қилиш учун номзодлар касбий тайёргарлик, чет тили ва жисмоний тайёргарлик бўйича саралаш имтиҳонлари ҳамда тест синовларидан ўтадилар.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

Университетга номзодларни курсант, тингловчи ва талабалар сафига ўқишга қабул қилиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан тест синовларини ўтказиш орқали амалга оширилади;

Университетга қабул тест синовлари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талаблар асосида ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг «Йўл-патруль хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти», «Патруль-пост хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти», «Паспорт тизимини ҳуқуқий таъминлаш» таълим йўналишлари бўйича номзодлар билан дастлабки саралаб олиш тadbирлари Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 6 август,  
500-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 6 августдаги 500-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университетига номзодларни саралаб олиш ва ўқишга  
қабул қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг (кейинги ўринларда — Университет) бакалавриати кундузги ва сиртки, магистратураси кундузги таълим шакллариغا номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Университетнинг бакалавриат ва магистратура босқичларига ҳамда сиртки таълим шакллариغا номзодларни қабул қилиш (ҳарбий таълим йўналиши ва мутахассисликларига) мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Бутлаш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Университетга «Йўл-патруль хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти», «Патруль-пост хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти», «Паспорт тизимини ҳуқуқий таъминлаш» таълим йўналишлари бўйича номзодларни ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий эҳтиёж режа-тақсимотиغا (квотасига) мувофиқ амалга оширилади.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига умумфуқаровий асосда талабалikka қабул қилишнинг йиллик кўрсаткичи Университет имкониятларидан келиб чиқиб, тўлов-контракт (шу жумладан, қўшимча табақалаштирилган тўлов-контракт) асосида Университет бошлиғи томонидан мустақил белгиланади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**дастлабки саралаб олиш** — номзодлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, ўрганиш ва умумлаштириш, шунингдек, уларнинг жисмоний тайёргарлигини баҳолаш (бакалавриат таълим йўналишлари учун — индивидуал-психологик хусусиятлари, магистратура мутахассисликлари учун — касбий тайёргарлик ва чет тили бўйича — саралаш имтиҳонларини олиш) ва тест синовларини топширишга тавсия этиш;

**курсант** — ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлган ва Университетнинг олий ҳарбий таълим йўналишида таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**номзод** — Университет бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга кириш учун танловда қатнашиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки контракт бўйича ҳарбий хизматчи (ходим), магистратурага кириш учун танловда қатнашиш истагини билдирган офицер ун-

вонидаги контракт бўйича ҳарбий хизматчи (ходим) ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**талаба** — Университетда умумфуқаровий асосда таҳсил олаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**тингловчи** — Университетнинг магистратурасида, сиртки таълим шаклида таҳсил олаётган контракт бўйича ҳарбий хизматни (хизматни) ўтаётган ҳарбий хизматчи ёки ходим;

**ҳарбий-профессional йўналтириш** — шахсий майлларига, қизиқишларига, қобилиятларига мувофиқ ва турли мутахассисликлар бўйича ҳарбий кадрларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ёшларни ҳарбий касбни асосли танлашларига кўмаклашиш бўйича мақсадли йўналтирилган, режалаштирилган тарзда ташкил этиладиган фаолият.

4. Номзодларни курсант, тингловчи ва талабалар сафига қабул қилишни сифатли ташкил этиш мақсадида Университет бошлиғи раислигида Университет қабул комиссияси (кейинги ўринларда — Қабул комиссияси) тузилади.

Қабул комиссияси раиси, унинг ўринбосари ва масъул котиб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг буйруғига асосан тайинланади. Қабул комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг (кейинги ўринларда — Миллий гвардия) тегишли соҳавий хизматлари мутахассислари киритилиши мумкин.

Қабул комиссиясининг қолган аъзолари Университет бошлиғининг буйруғига асосан Университетнинг доимий шахсий таркибидан тайинланади.

5. Қабул комиссияси ҳар йили 1 февралдан 1 ноябрга қадар фаолият юритади.

6. Қабул комиссияси раиси:

қабул комиссиясининг ишига бошчилик қилади ва мувофиқлаштиради;

қабул комиссиясининг вазифаларини белгилайди;

қабул комиссияси масъул котибининг йўналишлар бўйича ўринбосарларини ҳамда кичик комиссиялар таркибини шакллантиради ва тасдиқлайди;

қабул комиссияси масъул котибининг йўналишлар бўйича ўринбосарлари орқали кичик комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

7. Қабул комиссияси раиси ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун ўз ваколати доирасида буйруқлар чиқаради.

8. Университетга номзодларни курсант, тингловчи ва талабалар сафига ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда — Давлат тест маркази) томонидан тест синовларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

9. Номзодлар тест синовларини уч тилдан — давлат, қорақалпоқ ва рус тилларидан — бирини шахсан танлаган ҳолда топширадилар.

10. Университетнинг кундузги таълим шаклида курсант, тингловчи ва талабалар, сиртки таълим шаклида тингловчилар таҳсил олади.

11. Университетга қабул тест синовлари Вазирлар Маҳкамасининг



2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талаблар асосида ўтказилади.

12. Университетга қабул барча учун тенг ҳуқуқлилиқ ва холислик тамойиллари асосида амалга оширилади.

## **2-боб. Университетга номзодларни курсантлар сафига қабул қилиш**

### **1-§. Номзодлар билан ўтказиладиган саралаб олиш тадбирлари**

13. Университетга номзодларни курсантлар сафига саралаб олиш ва қабул қилиш ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади.

14. Университет томонидан курсантлар контингентини сифатли бутлаш учун босқичма-босқич ҳарбий-профессional йўналтириш, дастлабки саралаб олиш ҳамда тест синовларидан иборат саралаш тадбирлари амалга оширилади.

15. Университетга ўқишга кириш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга жавоб бериши зарур.

16. Номзодлар ва уларнинг ота-оналари мудофаа ишлари бўйича бўлимлар (ички ишлар органлари ҳудудий бўлинмалари) ҳамда ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан моддий масъуллиги тўғрисида мазкур Низомга 2-иловага\* мувофиқ шаклда ёзма равишда огоҳлантирилади.

17. Номзодларни курсантлар сафига қабул қилиш учун тузилган Қабул комиссияси таркибида номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш, индивидуал-психологик ўрганиш ҳамда номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича кичик комиссиялар тузилади.

18. Университетга ўқишга кириш истагини билдирган:

фуқаролар таълим йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ўзларининг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўйича бўлимларга ёки Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — тегишли ҳудудий органлар)га мазкур Низомга 3-иловага\* мувофиқ шаклдаги ариза билан;

ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ўзлари хизмат ўтаётган ҳарбий қисмга (муассасага) мазкур Низомга 4-иловага\* мувофиқ шаклдаги билдирги билан мурожаат қиладилар.

Қабул қилинган аризалар (билдиргилар) асосида тегишли ҳудудий органлар ҳамда ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилади.

---

\* 1 — 4-илвалар «Конунчилиқ маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

19. Хужжат расмийлаштириш таълим йўналишлари бўйича қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) мудофаа ишлари бўйича бўлимлар орқали:

«Махсус вазифаларни бажариш қўшинларининг қўмондонлик-тактик фаолияти»;

«Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш»;

«Хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш»;

«Халқаро ҳарбий ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш»;

«Иқтисодий хавфсизлик»;

«Аниқлаш ва қўриқлаш тизимларидан фойдаланиш бўйича қўмондонлик-муҳандислик фаолияти»;

«Кўриқлаш бўлинмаларининг қўмондонлик-тактик фаолияти»;

б) Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари орқали:

«Йўл-патруль хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти»;

«Патруль-пост хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти»;

«Паспорт тизимини ҳуқуқий таъминлаш».

20. Университетга ўқишга кириш учун аризалар (билдиргилар) ҳар йили 1 февралдан 20 мартга қадар (шу куни ҳам) қабул қилинади.

21. Университетга ўқишга киришни хоҳлаган номзодлар томонидан тегишли ҳудудий органларга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ариза (билдирги);

чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси нусхаси;

таржимаи ҳол;

анкета;

ўқиш, иш ёки хизматни ўташ жойидан (агар ўқиётган, ишлаётган ёки хизматни ўтаётган бўлса) тавсифнома ҳамда маълумотнома;

3 x 4 см ўлчамдаги 6 та фотосурат (бош кийимсиз ва бурчаксиз) ҳамда 4,5 x 6 см ўлчамдаги 4 та фотосурат (бош кийимсиз);

ота-онасининг Университетга ўқишга киришига розилик хати;

Университетга ўқишга киришда имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (асли ва нусхаси);

«Халқаро ҳарбий ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш» таълим йўналишига ўқишга киришни хоҳлаган номзодлар чет тилини билиш даражаси ҳақидаги халқаро тан олинган дастурлар — IELTS бўйича 5.5 балл ва ундан юқори, TOEFL бўйича 72 балл ва ундан юқори, TestDaF бўйича TDN3 ва ундан юқори, DELF B2 ва ундан юқори сертификат ёки давлат намунасидаги B2 ва ундан юқори даражадаги малака сертификати эга бўлганда Университетга ўқишга кириш бўйича танловда иштирок этадилар.

Қуйидаги ҳужжатлар тегишли ҳудудий органлар томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлардан мустақил равишда, шу жумладан «Электрон ҳуқумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали сўраб олинади:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси;

маълумоти тўғрисидаги (умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал, ўрта профессионал, ўрта махсус профессионал) ҳужжатлар (асли ва нусхаси) ҳамда рейтинг дафтарчаси (баҳолар табели) нусхаси.

Номзодлар томонидан ҳужжатларни тақдим этишда паспорт (идентификация ID-картаси) ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, чақирилувчининг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёхуд чақирилувчининг ҳарбий гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

22. Университетга ўқишга киришни хоҳлаган ҳарбий хизматчилар томонидан ўз хизмат ўташ жойига мазкур Низомнинг 21-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

Университетга ўқишга киришга тавсия этиш бўйича ҳужжатлар (муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга — ҳарбий бўлинманинг умумий йиғилиши баённомасидан кўчирма);

ҳарбий қисмлар (муассасалар) ва бўлинмаларнинг командирлари (бошлиқлари) томонидан берилган тавсиянома.

Номзодлардан ушбу Низомнинг 21 ва 22-бандларида назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

## **2-§. Ҳарбий-профессионал йўналтириш**

23. Ҳарбий хизматчи касбининг моҳиятини ва унга қўйиладиган талабларни очиб бериш, ёшларда ҳарбий касбни онгли равишда танлашни шакллантириш, муайян ҳарбий мутахассисликни танлашда уларга ёрдам бериш ҳарбий-профессионал йўналтиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

24. Қуйидагилар ҳарбий-профессионал йўналтиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

офицерлар хизматининг ижтимоий мазмуни ва ўзига хослигини очиб бериш, шу асосда ёшларда офицер — Ватан ҳимоячиси касбининг юксак масъулиятини тўғри тушуниш ва англашни шакллантириш;

Университетга ўқишга киришга қарор қилган ёшлар ва ҳарбий хизматчиларга уларнинг истеъдодини, қобилиятларини ва шахсий фазилатларини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий мутахассисликни танлашда ёрдам бериш;

Университетга кирувчи номзодларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларига, психологик хусусиятларига, умумжисмоний ва умумтаълим тайёргарлигига ва соғлиғига қўйиладиган талабларни тушунтириш;

Университетга ўқишга киришга энг иқтидорли, ҳар томонлама камол топган ва Ватанга садоқатли ёшларни жалб этиш.

25. Ҳарбий-профессионал йўналтириш дастлабки саралаб олиш тадбирлари бошланишига қадар ўтказилади ва ушбу босқичда:

ёшларнинг фахрийлар, ҳарбий қисмлар ва Университет вакиллари билан учрашувлари;

вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий органларида, шунингдек ҳарбий қисмларда, муассасаларда Университетдаги ҳаётни акс эттирувчи кўرғазмали ташвиқот материаллари, ўқишга қабул қилиш шартлари, муддатли ҳарбий

хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларга ва контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга Университетга киришда бериладиган имтиёзлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларининг ҳар хил турларида офицерлар таркибининг ҳарбий хизмати хусусиятлари ва ўзига хосликларини акс эттирувчи ўқув-маслаҳат бурчакларини ташкил этиш;

умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчиларига офицер касби, Университетга тайёргарлик кўриш ва кириш тартиби тўғрисидаги маълумотларни етказиш ишларини ташкил этиш воситасида таъминланади.

26. Номзодларда ҳарбий хизматга қизиқишни шакллантириш ва офицер касби тўғрисида тўғри тасаввур ҳосил қилиш ишлари умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари, маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчиларини жалб этган ҳолда манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади.

27. Ёшларга уларни ҳарбий-профессионал йўналтириш мақсадида касбга доир маслаҳатлар берилади, номзодларнинг шахсий фазилатлари, қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳарбий касбни танлашда бевосита ёрдам кўрсатилади.

Касбга доир маслаҳатлар таълим муассасаларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчилари томонидан ўтказилади, уларда номзоднинг шахсий фазилатларига, қобилиятларига ва Университетда ўқишга маънавий-психологик тайёрлик даражасига дастлабки баҳо берилади, шунингдек, номзодларнинг қизиқишлари ва қобилиятлари ўрганилади.

28. Ҳарбий хизматчиларни Университетга ўқишга киришга тайёрлаш Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлигининг тегишли соҳавий хизматлари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

29. Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги ва Мудофаа вазирлигининг тегишли соҳавий хизматлари жойларда ҳарбий-профессионал йўналтириш бўйича ишларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши, Университетдаги ўқув-тарбиявий жараёнларни ёритувчи нашрлар (буклетлар ва плакатлар, ўқишга кириш шартлари) ҳарбий қисмларга (муассасаларга), ҳудудий органларга етказилишини ташкил этадилар.

30. Университет зиммасига ҳарбий-профессионал йўналтириш доирасида қуйидаги вазифалар юкланади:

Университетдаги ҳаёт, турмуш ва ўқишнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги плакатлар, буклетлар, фильмлар ва видеороликлар кўринишида ахборот материалларини тайёрлаш ва Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлигининг тегишли соҳавий хизматларига тарқатиш;

Университет вакилларининг телевидениеда радиода, марказий ва минтақавий (маҳаллий) матбуот саҳифаларида чиқишларини ташкил этиш, Университет тўғрисидаги фильмларни намойиш этиш, мавзули кечалар, маърузалар ва очик эшиклар кунлари ўтказиш;

ҳарбий стажировкалар, ишлаб чиқариш амалиётлари, шунингдек, таътиллер даврида Университетнинг доимий ва ўзгариб турувчи таркиби то-

монидан ҳарбий хизматчилар ва ёшлар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиб бориш.

31. Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги ва Мудофаа вазирлигининг тегишли соҳавий хизматларига ҳарбий-профессионал йўналтириш доирасида қуйидаги вазифалар юкланади:

ҳарбий қисмларнинг маънавият ва маърифат марказларида, ички ишлар органларида Университетдаги ҳаётни акс эттирувчи кўргазмали ташвиқот қабул қилиш шартлари, Университетга киришда бериладиган имтиёзлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларида офицерлар таркибининг ҳарбий хизмати хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи ўқув-маслаҳат бурчакларини ташкил этиш ва безаш;

мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерлар таркибининг ҳарбий хизмати, Университетдаги ўқув-тарбиявий жараён тўғрисидаги фильмлар намойишларини, шунингдек, фахрийлар ва Университетнинг вакиллари билан учрашувларни ташкил этиш;

ҳарбий хизматчилар, ходимлар билан офицер касби тўғрисида яқка тартибда тушунтириш суҳбатлари ўтказиш;

ҳарбий-профессионал йўналтириш бўйича ишлар яқунларини вақти-вақти билан таҳлил қилиш;

Университет билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш.

### **3-§. Дастлабки саралаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

32. Соғлиғи, индивидуал-психологик хусусиятлари ва умумжисмоний тайёргарлик даражасига мувофиқ ҳарбий ихтисосликнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, ғоявий-маънавий барқарорликка, мустаҳкам интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган номзодларни аниқлаш дастлабки саралаб олишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

33. Дастлабки саралаб олишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

номзодга оид тегишли ҳужжатларни ва уни тавсифловчи маълумотларни тўплаш;

номзод тўғрисидаги турли маълумотларни (оилавий аҳволи, ота-оналари ва яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати ва шу кабилар) аниқлаштириш, офицер касбини танлашнинг сабабларини аниқлаш;

номзоднинг умумтаълим, соғлиғи ва умумжисмоний тайёргарлик даражасини ҳар томонлама ва холисона баҳолаш;

номзоднинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганиш.

34. Дастлабки саралаб олиш давомида қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш;

яқка тартибда суҳбатлашиш;

тиббий кўрикдан ўтказиш;

индивидуал-психологик ўрганиш;

умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш.

35. Дастлабки саралаб олишда иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди.

36. Хужжатларни тўплаш ва ўрганиш, натижаларни таҳлил қилиш, номзод тўғрисидаги маълумотларни режали жамлаш ва тизимлаштириш, унинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, маънавий фазилатлари ва касбий лаёқатини баҳолаш усулини қўллаган ҳолда ҳар йили 1 февралдан 31 мартга қадар (шу куни ҳам) ўтказилади.

Номзодларнинг ижтимоий фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, маънавий фазилатлари ва касбий лаёқатини аниқлаш доирасида уларнинг:

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини, давлатни ҳимоя қилиш борасидаги конституциявий мажбуриятларни тушуниши;

юқори даражадаги ҳушёрлик ҳамда ёт мафкура ва ахлоққа нисбатан муросасизлик зарурлигини англаши;

бурчни ҳис этиши, қатъиятлилиги, ишчанлиги, меҳнатсеварлиги ва ўзини тўғри тутиши;

жамоанинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиши;

хизмат (меҳнат) фаолиятида, ўқишда ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарликда эришган натижалари ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, офицер бўлиш истагининг асосланганлигига ва бунинг учун зарур фазилатлари мавжудлигига асосий эътибор берилади.

37. Ҳар йили 1 апрелга қадар (шу куни ҳам) тегишли ҳудудий органлар томонидан номзодларга давлат сири бўлган маълумотлар билан ишлаш мақсадида рухсатномани расмийлаштириш учун хужжатлар йиғмажилди масъул органга юборилади.

38. Якка тартибдаги суҳбат номзодлар тўғрисидаги турли маълумотларни (оилавий аҳволи, ота-оналари ва яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати) аниқлаштириш, офицер касбини танлашининг сабабларини аниқлаш, таълим муассасасидаги ўзлаштириш ва хорижий тилларни эгаллаганлик даражасини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

Суҳбат давомида Университет томонидан номзодларга қўйиладиган талаблар, бериладиган имтиёзлар ва бошқа масалалар талабгорнинг эътиборига етказилади.

39. Якка тартибдаги суҳбат ёшлар билан — тегишли ҳудудий органлар бўлим бошлиқлари томонидан, ҳарбий хизматчилар билан — ҳарбий қисмлар (муассасалар), бўлинмаларнинг командирлари (бошлиқлари) томонидан ўтказилади. Бунда якка тартибдаги суҳбат номзод ариза (билдирги) билан мурожаат қилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўтказилади. Якка тартибдаги суҳбат натижаси бўйича мазкур Низомга 5-иловага\* мувофиқ шаклда якка тартибдаги суҳбат варақаси тўлдирилади.

40. Тиббий кўрикдан ўтказиш икки (бирламчи ва якуний) босқичда амалга оширилади.

Бирламчи тиббий кўрик фақат ёшлар учун тегишли ҳудудий органлар

---

\* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хузуридаги тиббий комиссиялар томонидан ҳар йили 1 февралдан 31 мартга қадар (шу куни ҳам) ўтказилади.

Яқуний тиббий кўрик ёшлар ва ҳарбий хизматчилар учун тегишли ҳудудий органлар хузуридаги ҳарбий-тиббий комиссиялар томонидан барча мажбурий ташхис-диагностик текширувлар амалга оширилган ҳолда ҳар йили 1 апрелдан 20 майга қадар (шу куни ҳам) ўтказилади.

41. Бирламчи ва яқуний тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича номзоднинг Университетда ўқишга соғлиғига кўра яроқлилиги тўғрисида хулоса берилади. Мазкур хулоса номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

Соғлиғининг ҳолатига кўра Университетда ўқишга яроқсиз деб топилган номзодлар дастлабки саралаб олишнинг кейинги босқичларига қўйилмайди.

42. Номзодларни тиббий кўриқдан ўтказиш таълим йўналишлари бўйича қуйидаги тартибда амалга оширилади:

«Махсус вазифаларни бажариш қўшинларининг қўмондонлик-тактик фаолияти», «Хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш», «Хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш», «Халқаро ҳарбий ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш», «Иқтисодий хавфсизлик», «Аниқлаш ва кўриқлаш тизимларидан фойдаланиш бўйича қўмондонлик-муҳандислик фаолияти», «Кўриқлаш бўлинмаларининг қўмондонлик-тактик фаолияти» таълим йўналишлари учун — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга мувофиқ;

«Йўл-патруль хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти», «Патруль-пост хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти», «Паспорт тизимини ҳуқуқий таъминлаш» таълим йўналишлари учун — Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 764-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида тиббий текширувни ташкил этиш ва ҳарбий-тиббий экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ.

Номзодларнинг антропометрик кўрсаткичларига доир мезонлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳарбий хизмат (хизмат)га қабул қилиш талабларига мувофиқ танланган мутахассисликка қараб белгиланади.

43. Номзодлар билан индивидуал-психологик ўрганиш тадбирлари Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида, тегишли ҳудудий органларида Қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассис-психологлар томонидан номзодларни психологик тест синовидан ўтказиш йўли билан мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ индивидуал-психологик ўрганиш методикасига асосан ҳар йили 1 майдан 30 майга қадар (шу куни ҳам) ўтказилади.

44. Индивидуал-психологик ўрганиш бўйича тасдиқланган режа-жадвал тегишли ҳудудий органларга ҳар йили 10 апрелга қадар Қабул комиссияси томонидан юборилади.

45. Индивидуал-психологик тест синови натижалари бўйича ўқишга тавсия этиш ёки тавсия этмаслик юзасидан хулосалар берилади.

Индивидуал-психологик тест синови натижалари бўйича ўқишга тавсия этилмаган номзодлар дастлабки саралаб олишнинг кейинги босқичларига қўйилмайди.

46. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида тегишли ҳудудий органлар бошлиқлари белгиланган жойларда Қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан мазкур Низомга 7-иловада келтирилган методикага мувофиқ ҳар йили 1 майдан 30 майга қадар (шу куни ҳам) ўтказилади.

47. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тасдиқланган режа-жадвал тегишли ҳудудий органларга ҳар йили 10 апрелга қадар Қабул комиссияси томонидан юборилади.

48. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашнинг белгиланган талабларига жавоб бермайди деб топилган номзодлар саралаб олишнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

49. Дастлабки саралаб олишдан муваффақиятли ўтган ва тест синовларида қатнашишга рухсат этилган номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдлари тўлиқ расмийлаштирилгандан кейин тегишли ҳудудий органлар ва ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан ҳар йили 10 июнга қадар Қабул комиссиясига юборилади.

50. Қабул комиссияси томонидан тест синовларида қатнашишга рухсат этилган номзодлар ҳақидаги маълумотлар ҳар йили олий таълим муассасалари бакалавриатига ҳужжатлар қабули бошлангунга қадар Давлат тест марказига тақдим этилади.

51. Дастлабки саралаб олишдан муваффақиятли ўтган номзодлар Университетга ўқишга киришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

#### **4-§. Университетга қабул учун ўтказиладиган тест синовлари**

52. Тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган номзодлардан (тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар бундан мустасно) тест синовларида иштирок этиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида тўлов ундирилади.

53. Тест синовлари натижалари тест синовлари тўлиқ яқунлангандан кейин икки кун ичида Университетга тақдим этилади ва унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

54. Тест синовида белгиланган вақтда келмаган номзодлар учун қўшимча тест синовлари ўтказилмайди.

55. Тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляция шикоятлари Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.



### 5-§. Университетга қабул қилиш тартиби

56. Номзодларни Университетга ўқишга қабул қилиш Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган тест синовлари натижалари (танловдан ташқари ва тест синовларисиз ўқишга кириш ҳуқуқига эга номзодлар бундан мустасно) асосида амалга оширилади.

57. Қабул комиссияси тест синовлари натижалари тақдим этилгандан кейин беш кун ичида номзодларни ўқишга қабул қилиш масаласини кўриб чиқади ҳамда мазкур Низомга 8-иловага\* мувофиқ шаклдаги баённомани расмийлаштиради ва икки кун муддатда Давлат тест марказига тақдим этади.

Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган баённома номзодларни Университетга ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқни расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

58. Университетга ўқишга қабул қилиш жараёнида Давлат тест маркази томонидан ўтказилган тест синовлари натижаларига кўра бир нечта номзодларнинг ўтиш рейтинг баллари тенг бўлган ҳолатларда уларни ўқишга қабул қилиш масаласи алоҳида кўриб чиқилади.

59. Университетга ўқишга кирмаган номзодларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдлари тест синовлари натижалари эълон қилинган кундан эътиборан 10 кун ичида тегишли ҳудудий органлар ва ҳарбий қисмларга (муассасаларга) қайтариб юборилади.

60. Номзодни ўқишга қабул қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар Университетда сақланади.

### 3-боб. Университетга номзодларни талабалар сафига қабул қилиш

#### 1-§. Ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

61. Университет бакалавриятига ўқишга кириш учун номзодлар Қабул комиссияси, давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали рўйхатдан ўтадилар.

62. Университетга номзодларни умумфуқаровий асосда талабалар сафига қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

63. Университетга ўқишга фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

64. Университет битирувчиларига тегишли намунадаги диплом ва ҳарбий тайёргарликдан ўтганларга захирадаги лейтенант ҳарбий унвони берилади.

Университет талабаларини ҳарбий тайёргарликка жалб қилиш ва ун-

---

\* 8-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дан ўтказиш тартиби амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан келишилган ҳолда Миллий гвардия қўмондони томонидан белгиланади.

Миллий гвардия қўмондонининг тақдимномасига асосан Университетнинг ҳарбий тайёргарлигини ўтган битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан бошланғич ҳарбий унвон (захирадаги лейтенант) берилади.

65. Қабул комиссияси ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан бир ой олдин номзодларни қабул қилиш муддатлари, таълим йўналишларининг номлари, ўқишга қабул қилиш параметрлари (ўринлар сони), тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги ахборотни Миллий гвардия ва Университетнинг расмий веб-сайтларига жойлаштиради ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

## **2-§. Номзодларни тўлов-контракт асосида қабул қилиш шартлари, тўлов тартиби ва миқдори ҳамда номзодларга бериладиган имтиёзлар**

66. Умумфуқаровий асосда талабалikka қабул қилиш тўлов-контракт асосидаги қабул кўрсаткичлари, шунингдек, қўшимча табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш Университет томонидан мустақил равишда белгиланади.

67. Университетда тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати (шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт қиймати) ҳар йили Университетнинг Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

68. Имтиёзга эга номзодлар Университетнинг кундузги таълим шаклига талабалар сафига Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ тўлов-контракт шартлари асосида қабул қилинади.

## **3-§. Тест синовлари**

69. Тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган номзодлар учун (тўлиқ давлат таъминотидаги шахслар бундан мустасно) тест синовларида иштирок этиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида тўлов белгиланади.

70. Номзод умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқиган чет тилларидан бирида имтиҳон топширади.

## **4-§. Университетга номзодларни кундузги таълим шаклига талабалар сафига қабул қилиш тартиби**

71. Университетда танланган таълим йўналишига қараб номзодлар белгиланган тартибда тасдиқланган фан мажмуалари бўйича тест синовларидан ўтадилар.

72. Тўлов-контракт асосида номзодларни ўқишга қабул қилиш юридик

ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун тўлов-контракта кўрсатилган маблағ миқдори ҳар йили белгиланган тартибда, 15 сентябрдан кечиктирмай, ўтказилгандан сўнг Университет бошлиғининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ҳар йили Университет бошлиғининг тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилган номзодларнинг 2 сентябрдан бошлаб дарсларга қатнашишига рухсат бериш тўғрисидаги буйруғи расмийлаштирилади.

Қўшимча табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқиш истагида бўлган номзодлар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) томонидан белгиланган муддатларда ушбу қийматлар бўйича тўлов-контракт шартларини биринчи ўқув йили учун тўлиқ бажарганларидан сўнг Университет бошлиғининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинади.

#### **4-боб. Университет магистратурасига офицер лавозимларидаги ҳарбий хизматчиларни (ходимларни) саралаб олиш ва қабул қилиш**

##### **1-§. Умумий қоидалар**

73. Университет магистратурасига 5 йил ва ундан кўп хизмат стажига эга бўлган, камида «майор» офицер лавозимларида хизмат ўтаётган, ўқишга қабул йилининг 31 декабригача 45 ёшдан ошмаган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) қабул қилинади.

Истисно тариқасида, Университет бакалавриатини имтиёзли тамомлаган, лавозимга тайинланган, илмий-тадқиқот йўналишида салмоқли ютуқларга эришган (илмий мақолалари нашр этилган, ўқув адабиётларни ишлаб чиқишда иштирок этган, ихтиро патентлари ва гувоҳномаларни олган) ҳамда тегишли кафедраларнинг қўшма йиғилишининг қарорига кўра тавсия этилган ҳарбий хизматчилар Университет бошлиғининг қарорига асосан, келгусида Университетда 5 йил ишлаб бериш шarti билан, магистратурага ўқишга кириш учун ўтказиладиган танловларда иштирок этиши мумкин.

74. Магистратурага ўқишга қабул қилинган шахсларнинг охириги эгаллаб турган лавозими учун белгиланган пул таъминоти ўқиш даври мобайнида сақлаб қолинади.

75. Қабул комиссияси томонидан ҳар йили 10 мартга қадар ўқишга қабул қилиш муддатлари, мутахассислик номлари тўғрисидаги маълумотлар Миллий гвардия ва Университетнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

76. Магистратурага кириш учун ҳужжатлар ҳар йили 10 апрелдан 1 июнга қадар қабул қилинади.

77. Университет магистратура тингловчилари контингентини сифатли бутлаш учун касбий тайёргарлик, чет тили (чет тилини билиш даражаси-

ни тасдиқловчи белгиланган даражадаги миллий ёки халқаро сертификатлари мавжуд бўлмаганлар учун) ва жисмоний тайёргарлик бўйича саралаш имтиҳонлари ҳамда тест синовлари ўтказилади.

78. Магистратурага қабул қилишни ташкил этиш мазкур Низомга 9-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

79. Магистратурага ўқишга кириш истагини билдирган номзодлар ўзининг бевосита командирлари (бошлиқлари) номига мазкур Низомнинг 10-иловасига\* мувофиқ билдирги билан мурожаат қиладилар.

80. Билдиргига қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:  
маълумотнома-объективка;  
яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумот;  
номзод учун бевосита командири (бошлиғи) томонидан берилган тавсифнома;  
ҳарбий (хизмат) гувоҳнома нусхаси;  
ҳарбий-тиббий комиссия томонидан берилган тиббий маълумотнома;  
олий маълумот тўғрисидаги дипломдан (иловаси билан) нусха;  
нашр этилган мақолалари ва ўқув қўлланмаларнинг рўйхати (мавжуд бўлганда);

чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган даражадаги миллий ёки халқаро сертификатларнинг асл нусхаси (мавжуд бўлганда);  
давлат сири бўлган маълумотлар билан ишлашга рухсатнома (2-шакл);  
қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўқишга киришда имтиёз берувчи ҳужжатнинг асл нусхаси (мавжуд бўлганда).

81. Миллий гвардия ҳудудий бошқармаларида Университет магистратураси тингловчилигига номзодларнинг ҳужжатлари ўрганилади, номзодларнинг умумий рўйхати шакллантирилади ва белгиланган тартибда номзодларнинг расмийлаштирилган шахсий йиғмажилдлари ҳар йили 1 июнга қадар (шу куни ҳам) Қабул комиссиясига юборилади.

82. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳарбий хизматчилари (ходимлари) қаторидан бўлган номзодларга расмийлаштирилган шахсий йиғмажилдлар Қабул комиссиясига юборилади.

83. Номзодларнинг маълумоти, чет тилини билиш даражаси, иш тажрибаси ва касбий малакасига оид қўшимча маълумотлар ҳам тақдим этилиши мумкин.

84. Ҳужжатлар белгиланган муддатда тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда номзодга камчиликларни бартараф этиш ва ҳужжатларни тақдоран тақдим этиш учун жорий йилнинг 1 июнига қадар имконият берилади.

85. Ҳужжатларни қабул қилиш учун белгиланган муддат тугагандан сўнг уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

86. Қабул комиссияси Миллий гвардия ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан юборилган номзодларнинг ҳужжатларини қабул қиладди, уларнинг рўйхатини шакллантиради, белгиланган тартибда ҳужжатла-

---

\* 9-10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ри расмийлаштирилган номзодларнинг саралаб олиш босқичида иштирок этишини таъминлайди.

87. Қабул комиссияси томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилади: номзодларнинг шахсий йиғмажилдларини қабул қилиш; шахсий йиғмажилдларни белгиланган талабларга мувофиқлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини ўрганиш;

номзодлар учун маслаҳатлашувларни ташкил этиш;

касбий тайёргарлик, чет тили (чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган даражадаги миллий ёки халқаро сертификатлари мавжуд бўлмаганлар учун) ва жисмоний тайёргарликдан саралаш имтиҳонларини, шу жумладан Давлат тест маркази билан ҳамкорликда тест синовларини ўтказиш;

саралаш имтиҳонлари юзасидан номзодларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш;

саралаш имтиҳонлари натижалари ҳақида якуний маълумотлар тайёрлаш;

Университет магистратурасига ўқишга кирган номзодлар бўйича баён-номани расмийлаштириш.

88. Келиб тушган номзодларнинг шахсий йиғмажилдлари ва уларнинг рўйхати Қабул комиссияси томонидан ўрганиб чиқилади ва номзодларни саралаш имтиҳонларида қатнашувчиларнинг рўйхатини ҳар йили 10 июнга қадар шакллантиради.

## **2-§. Номзодлар билан саралаш имтиҳонлари ва тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби**

89. Ҳар йили июнь — август ойларида Университетнинг магистратурага киришни хоҳловчи номзодлари билан Университетда йиғин ўтказилади.

Йиғин мобайнида номзодлар касбий тайёргарлик, чет тили (чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган даражадаги миллий ёки халқаро сертификатлари мавжуд бўлмаганлар учун) ва жисмоний тайёргарлик бўйича саралаш имтиҳонларини топширадilar.

90. Номзодларнинг билим ва кўникмаларини текшириш мақсадида Университетда ҳар йили саралаш имтиҳонларининг билетлари ишлаб чиқилади.

91. Номзодларни Университетга қабул қилиш учун Университет бошлиғининг буйруғи билан касбий тайёргарлик, чет тили ва жисмоний тайёргарлик бўйича саралаш имтиҳонларини қабул қилиш учун тегишли мутахассислардан иборат кичик комиссиялар тузилади.

92. Касбий тайёргарлик бўйича саралаш имтиҳонида номзоднинг мутахассислиги бўйича ҳарбий-профессионал тайёргарлиги текширилади. Номзоднинг билими билет саволларига оғзаки жавоб беришига қараб баҳоланади.

93. Номзоднинг чет тили бўйича билими билет саволларига оғзаки жавоб бериш усули билан баҳоланади.

Имтиҳон саволлари олий ҳарбий таълим муассасаларида чет тили бўйича ўрганиладиган ўқув дастури асосида тузиб чиқилади.

94. Саралаш имтиҳонларининг натижалари беш балли тизим асосида баҳоланади. Саралаш имтиҳонларида қўлланадиган баҳолаш мезонлари Университет томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Миллий гвардия қўмондон томонидан тасдиқланади.

95. Магистратурага ўқишга топшираётган номзоднинг жисмоний тайёргарлиги қуйидаги машқлар бўйича баҳоланади:

- турникда тортилиш;
- 100 метрга югуриш;
- 3000 метрга югуриш.

Жисмоний тайёргарлик Миллий гвардиянинг жисмоний тайёргарлик бўйича қўлланмаси талаблари асосида ўтказилади.

96. Номзодларнинг саралаш имтиҳонларининг натижалари бўйича қўйилган баҳоларга доир эътирозлари Университетда ташкил этилган апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Номзодлар ўз эътирозларини саралаш имтиҳонлари якунлангандан сўнг икки сутка мобайнида апелляция комиссиясига тақдим этишлари мумкин.

Апелляция комиссияси уч сутка мобайнида эътирозларни кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилади ва эътироз билдирган шахсга маълумот беради.

97. Қабул комиссияси раиси қуйидаги номзодларни саралаш имтиҳонларидан четлаштириш ҳуқуқи эга:

- имтиҳонларнинг бирдан қониқарсиз баҳо олган;
- имтиҳонларга узрли сабабларсиз қатнашмаган;
- ҳарбий интизомни қўпол равишда бузган.

98. Номзодларга касбий тайёргарлик, чет тили, жисмоний тайёргарлик бўйича саралаш имтиҳонларини ўтказиш натижасига кўра Қабул комиссияси томонидан номзодни тест синовларида иштирок этишга рухсат этиш ёки рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

99. Саралаш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган номзодлар қуйидаги фанлар бўйича Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширади:

- мутахассислик фанлари;
- маънавий-маърифий тайёргарлик;
- чет тили (чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган даражадаги миллий ёки халқаро сертификатлари мавжуд бўлмаганлар учун).

100. Мутахассислик фанлари ҳамда маънавий-маърифий тайёргарлик бўйича тест топшириқлари Университет томонидан ишлаб чиқилади ҳамда ҳар йили 1 июнга қадар Давлат тест марказига тақдим этилади.

Магистратура мутахассисликлари бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанлар мажмуаси Университет бошлиғи томонидан тасдиқланади.

101. Тест синовларини ўтказиш тартиби Давлат тест маркази томонидан белгиланади.

102. Тест синовлари Давлат тест маркази билан келишилган муддатларда, тўлов-шартнома асосида Тошкент шаҳридаги катта сифимли биноларда ўтказилади.

103. Тест синовларининг натижалари қабул квоталари доирасида бел-

гиланган рейтинг тизими бўйича Давлат тест маркази томонидан аниқланади.

104. Тест синовлари натижасидан норози бўлган номзод тест синовлари натижаси эълон қилинган кундан бошлаб икки кун давомида Университетда ташкил этиладиган апелляция комиссиясига тест натижалари бўйича апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга. Номзодга апелляция шикоятни қабул қилинганлиги ва кўриб чиқиш санаси тўғрисида хабарнома берилади.

Апелляция шикоятни апелляция комиссияси йиғилишида уч кун муддатда кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади ҳамда унинг натижаси ҳақида мурожаат этувчига жавоб хати юборилади.

### **3-§. Магистратурага қабул қилиш тартиби**

105. Қабул комиссияси томонидан номзодларнинг тест синовларида олган баллари жамланиб, умумий қайдномада номзодларнинг ҳар бир мутахассислик бўйича алоҳида рўйхати шакллантирилади.

Рўйхатда номзодлар ҳар бир мутахассислик бўйича тўпланган энг юқори баллдан бошлаб камайиб бориш тартибидаги кетма-кетликда жойлаштирилади.

106. Магистратурага ўқишга қабул қилиш жараёнида тест синовлари натижаларига кўра бир нечта номзодларнинг ўтиш рейтинг баллари тенг бўлган ҳолатларда касбий тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик ва чет тили бўйича синов натижалари юқори бўлган номзодларга устунлик ҳуқуқи берилади.

107. Умумий қайднома асосида Қабул комиссияси томонидан ҳар йили 25 августга қадар номзодларни магистратурага ўқишга қабул қилишга тавсия этиш тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

108. Ҳар йили 30 августга қадар Қабул комиссияси баённомаси асосида номзодларни магистратура тингловчилари сафига қабул қилиш ҳақидаги Университет бошлиғининг буйруғи имзоланади ва офицерлар Миллий гвардия қўмондонининг буйруғига асосан тингловчи лавозимига тайинланади.

## **5-боб. Университет магистратурасига Ўзбекистон Республикаси фуқароларини саралаб олиш ва қабул қилиш**

### **1-§. Номзодларни саралаб олиш тартиби**

109. Университет магистратурасига бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар саралаб олиш натижаси ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар турдош таълим йўналишлари рўйхатидаги ихтисосликларнинг фақат биридан танловда қатнашиш ҳуқуқига эга. Таянч олий маълумотга

эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари саралаб олиш натижаси ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

Тўлов-контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори бир тингловчини ўқитиш билан боғлиқ асосланган харажатлар миқдоридан келиб чиқиб, Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

110. Магистратурага қабул тегишли таълим йўналиши ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган турдош олий таълим йўналишлари (магистратурага қабул бўйича) рўйхати бўйича бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида тест синовлари асосида амалга оширилади.

## 2-§. Хужжатларни қабул қилиш

111. Университет магистратурасига ўқишга кириш учун номзодлар Қабул комиссияси, давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХПда рўйхатдан ўтадилар.

112. Номзодлар ҳар йили 1 июлдан 30 июлгача (шу куни ҳам) бўлган муддатда рўйхатдан ўтади.

113. Номзодлар рўйхатдан ўтиши учун Қабул комиссиясига қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

Магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда Университет бошлиғи номига ариза;

олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг асли (ёки дипломдан кўчирма — Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун) ҳамда унинг иловаси;

муайян имтиёзни тасдиқловчи хужжатлар серияси, рақами, берилган вақти кўрсатилган ҳолда чет тилини билиш даражаси тўғрисидаги халқаро эътироф этилган имтиҳон тизимлари (International English Language Testing System (IELTS), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT), Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische Studienbewerber (TestDaF), Test de Connaissance du Français (TCF), Diplôme d'Etudes en Langue Française (DELF), Cambridge English Qualifications, Goethe Certificate ва ҳоказо) сертификатлари, давлат стипендиялари билан тақдирлаш тўғрисидаги хужжат.

Хужжат тақдим этиш жараёнида номзодлар паспортини (идентификация ID-картасини) шахсан кўрсатадилар.

114. Рўйхатдан ўтиш давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали амалга оширилганда мазкур Низомнинг 113-бандида келтирилган маълумотлар номзод томонидан мустақил равишда электрон шаклда юкланади. Хужжатлар ва маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун номзод шахсан жавобгар ҳисобланади.

115. Рўйхатдан ўтишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг маълумотларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

116. Рўйхатга олинган номзодлар сони ҳақидаги кунлик маълумотлар (мутахассисликлар, таълим шакли ва тиллар кесимида) Қабул комиссияси томонидан Университет веб-сайтига жойлаштириб борилади.



117. Тест синовлари натижалари бўйича Давлат комиссиясининг номзодларни Университет магистратурасига ўқишга қабул қилиш учун тавсия этилганлиги тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан сўнг уч иш куни мобайнида ҳужжатларнинг асл нусхалари номзод томонидан Университет магистратура бўлимига тақдим этилади.

118. Ҳужжатларда, шу жумладан, электрон шаклдаги маълумотларда қалбакилаштириш ёки сохталаштириш ҳолатлари аниқланганда, номзод тест синовларидан (магистратурага қабул қилинган бўлса — Университет магистратураси талабалари сафидан) четлаштирилади, ҳужжатлар эса белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилади.

### **3-§. Тест синовлари**

119. Тест синовлари Давлат тест маркази билан келишилган ҳолда тўлов-шартнома асосида ўтказилади.

120. Номзодлар Қабул комиссияси томонидан белгиланган мутахассислик фанлари бўйича тест синовларини топширадилар. Тест топшириқлари 75 та саволни ўз ичига олади.

121. Номзодга тест топшириқларини бажариш учун жавоблар варақасини тўлдириш билан биргаликда 2 соат 30 дақиқа вақт белгиланади.

122. Тест синовларида номзодлар олиши мумкин бўлган максимал балл 232,5 баллни ташкил этади (ҳар бир тўғри жавоб учун 3,1 балл).

Магистратура мутахассисликлари бўйича тест синовлари ўтказиладиган фанлар мажмуаси Университет бошлиғи томонидан тасдиқланади.

123. Номзодлар томонидан тўпланган баллар ҳақидаги маълумот тест синови ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида, уларнинг танлов асосида талабаликка тавсия этилгани ёки этилмаганлиги тўғрисидаги маълумот тест синовлари тўлиқ яқунланиб, Давлат комиссияси қарори қабул қилингандан сўнг эълон қилинади.

124. Тест синовлари натижасидан норози бўлган номзод тест синовлари натижаси эълон қилинган кундан бошлаб икки кун давомида Университетда ташкил этиладиган апелляция комиссиясига тест натижалари бўйича апелляция шикоятни бериш ҳуқуқига эга. Номзодга апелляция шикоятни қабул қилинганлиги ва кўриб чиқиш санаси тўғрисида хабарнома берилади.

Апелляция шикоятни апелляция комиссияси йиғилишида уч кун муддатда кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади ҳамда унинг натижаси ҳақида мурожаат этувчига жавоб хати юборилади.

### **4-§. Фуқароларни тўлов-контракт асосида қабул қилиш ва ўқиш учун тўлов тартиби**

125. Магистратурага тўлов-контракт асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари Университет томонидан мустақил равишда белгиланади.

126. Номзодларни тўлов-контракт асосида магистратурага тавсия этиш тўғрисида Давлат комиссиясининг қарори қабул қилингандан кейин Уни-

верситет билан юридик ёки жисмоний шахслар ўртасида белгиланган тартибда контракт расмийлаштирилади.

Белгиланган намунадаги контракт бланклари Қабул комиссияси томонидан синов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб берилади ва юридик шахслар учун раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланган ҳолда уч нусхада, жисмоний шахслар учун икки нусхада расмийлаштирилади.

127. Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган номзодлар учун тўлов ҳар йили контракт шартларига мувофиқ амалга оширилади.

128. Контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланади ва амалга оширилади.

129. Қабул комиссиясининг Университет магистратурасига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш юридик ёки жисмоний шахслар томонидан ўқиш учун белгиланган маблағ миқдори ҳар йили белгиланган тартибда, 15 сентябрдан кечиктирмай ўтказилгандан сўнг Университет бошлиғининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

## **6-боб. Номзодларни сиртқи таълим шаклига саралаб олиш тартиби**

### **1-§. Умумий қоидалар**

130. Номзодларни Университетнинг сиртқи таълим шаклига тингловчилар сафига қабул қилиш ушбу Низомга 11-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

131. Университетнинг сиртқи таълим шаклига камида уч йиллик ҳарбий хизмат (хизмати) стажига эга, ёши ўттиз бешдан катта бўлмаган (олий маълумотга эга бўлган шахслар бундан мустасно) Миллий гвардиянинг амалдаги ҳарбий хизматчилари (ходимлари) қабул қилиниши мумкин. Сиртқи таълим шаклида ўқиш муддати олий маълумотга эга бўлмаган шахслар учун тўрт йил, олий маълумотга эга бўлган шахслар учун тўлов-контракт асосида уч йилни ташкил этади.

132. Университетнинг сиртқи таълим шаклига Хавфсизлик кенгаши томонидан ҳар йил белгиланадиган қўшимча квоталар бўйича бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида камида уч йиллик ҳарбий хизмат (хизмат) стажига эга бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) тўлов-контракт асосида қабул қилиниши мумкин.

133. Тўлов-контракт асосида ўқитиш учун тўлов қиймати бир тингловчини ўқитиш билан боғлиқ асосланган харажатлар миқдоридан келиб чиқиб, Университет Васийлик кенгаши қарори билан белгиланади.

134. Университетнинг сиртқи таълим шаклига ўқишга кириш истагини

---

\* 11-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билдирган Миллий гвардия, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари таркибига кирувчи бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимлари ўз хизмат жойи бўйича бошлиқлари номига ҳар йили 1 апрелдан 1 майга қадар (шу куни ҳам) билдирги билан (таълим йўналиши, ўқув тили, шакли (олий таълим муассасасини тугатганлиги ёки олий маълумоти йўқлиги, қайси чет тилидан тест топшириши, ҳарбий тавсияномага эга бўлганлар унинг рақамини ва танланган иккинчи олий таълим муассасаси таълим йўналишини) кўрсатилган ҳолда) мурожаат қилади.

135. Ҳарбий хизматчи ва ходимларнинг билдиргиларига асосан ўз хизмат жойлари бўйича кадр органлари томонидан номзодларнинг ҳужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари ҳар йили 2 майдан 30 майга қадар (шу куни ҳам) ташкил этилади. Ҳужжатларни тўплаш ва ўрганиш ишлари якуни бўйича номзодларнинг ҳужжатлар йиғмажилди расмийлаштирилади. Номзодларнинг ҳужжатлар йиғмажилдида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

таълим йўналиши кўрсатилган ҳолда номзоднинг билдиргиси;

маълумотнома-объективка;

лавозимга тайинлаш тўғрисидаги охириги буйруқдан кўчирма;

маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси (шаҳодатнома, диплом, иловаси билан);

хизмат тавсияномаси;

давлат сири бўлган маълумотлар билан ишлашга тегишли шаклдаги рухсатномага эга эканлиги тўғрисидаги маълумотнома.

Номзодларнинг ҳужжатлар йиғмажилди ҳар йили 15 июнга қадар Қабул комиссиясига тақдим этилади.

136. Университет сиртқи таълим шаклига номзодларни қабул қилиш тест синовларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

137. Тест синовларида иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди.

138. Номзодларни Университетнинг сиртқи таълим шаклига тингловчилар сафига имтиёз билан қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## 2-§. Тест синовлари

139. Университет сиртқи таълим шаклига номзодларни қабул қилиш учун тест синовлари Давлат тест маркази билан келишилган муддатларда ўтказилади.

140. Тест синовлари ташкил этилаётган ўқув йилидан аввалги йилларда таълим муассасаларини тугатган номзодлардан тест синовларида иштирок этиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдоридан тўлов белгиланади.

141. Тест синовларининг натижалари Давлат тест маркази томонидан аниқланади.

### **3-§. Университетга сиртқи таълим шаклига ўқишга қабул қилиш тартиби**

142. Номзодлар тест синовлари натижалари асосида Университет сиртқи таълим шаклига тингловчилар сафига ўқишга қабул қилинади.

143. Қабул комиссияси номзодларни ўқишга қабул қилиш бўйича тегишли баённомани расмийлаштиради.

144. Қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган баённома асосида номзодларни Университетга ўқишга қабул қилишга Университет бошлигининг буйруғи расмийлаштирилади.

145. Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган тингловчилар ва Университет ўртасида белгиланган тартибда тўлов-контракт шартномаси расмийлаштирилади.

146. Белгиланган намунадаги контракт бланклари Қабул комиссияси томонидан тест синовларининг натижалари эълон қилингандан сўнг берилади ва ўқишга қабул қилинган тингловчилар билан 2 нусхада расмийлаштирилади.

147. Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган номзодлар учун тўлов ҳар йили тўлов-контракт шартларига мувофиқ белгиланади ва амалга оширилади.

148. Контракт шартлари ва томонларнинг мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартиби қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

149. Университетнинг магистратурасига қабул қилиш бўйича тест синовларининг ўтказилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш Давлат тест маркази ҳамда Университет ўртасидаги келишувга кўра Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

150. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси  
Жамоат хавфсизлиги университетига  
номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул  
қилиш тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

## **Индивидуал-психологик ўрганиш МЕТОДИКАСИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Индивидуал-психологик ўрганиш номзодларни мазкур Методикада белгиланган тартибда психологик тест синовидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

2. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, баҳолаш мезонлари ва жавоблар бланклари Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бакалавриатидаги ўқишнинг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда, қоида тариқасида, ҳар уч йилда бир мартаба Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кадрлар бошқармаси психолог-мутахассислари томонидан ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони томонидан тасдиқланади ҳамда индивидуал-психологик ўрганиш бошлангунга қадар Қабул комиссияси раисига юборилади.

3. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, баҳолаш мезонлари ва жавоблар бланклари Қабул комиссиясининг индивидуал-психологик ўрганиш бўйича кичик комиссия раисида сақланади ҳамда у тестлар ва жавобларнинг ошкор бўлиб кетмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

4. Дастлаб номзодлар Қабул комиссиясининг индивидуал-психологик ўрганиш бўйича масъул бўлган мутахассислар томонидан индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш тартиби, шунингдек, ҳар бир вазифа бўйича тайёрланган тест саволлари жавобларини топганлик учун назарда тутилган баҳолаш мезонлари билан таништирилади ҳамда уларга тегишли йўл-йўриқлар берилади.

### **2-боб. Индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш**

5. Индивидуал-психологик ўрганиш якка тартибда ёки номзодларни гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилиши мумкин.

6. Индивидуал-психологик ўрганиш номзодларни гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилади.

7. Индивидуал-психологик ўрганиш давомида номзодларга бир нечта топшириқлар бўйича психологик тестлар берилади.

8. Психологик тестлар номзодларнинг қуйидаги индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилади:

ақл-заковати, умумий интеллектуал салоҳияти ва хотираси;

манتيқий фикрлаши, зийраклиги, тафаккур шаклларининг ривожланганлик даражаси, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилиятлари;

шахсга хос индивидуал хусусиятлари, киришимлиги, психик барқарорлиги, самимийлиги;

касбни танлашининг мақсади ва мақсадининг барқарорлиги.

9. Психологик тест бошлангунга қадар номзоднинг соғлиғи суриштирилади. Ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган номзодлар ўрганишга қўйилмайди. Бундай ҳолатда далолатнома тузилади ва унга кейинги индивидуал-психологик ўрганишдан ўтиш учун рухсат берилади.

10. Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун номзод шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Психологик тест синовлари ўтказиладиган хонага микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер ва бошқа телекоммуникация воситалари олиб кириш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

12. Психологик тест ўтказиш вақтида ўрганиш ўтказаётган шахслар номзодларни узлуксиз равишда кузатиб туради.

13. Барча топшириқлар бажариб бўлингандан сўнг, номзодлар жавоблар бланklarини ўрганиш ўтказаётган мутахассислардан бирига топширади. Ўрганиш ўтказган мутахассислар жавоблар бланklarини қабул қилишда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига эътибор бериши зарур.

14. Топшириқларнинг барчасини муваффақиятли топширган номзодга дастлабки саралаб олишнинг кейинги тадбирларида иштирок этиш учун рухсат берилади.

15. Топшириқларни муваффақиятли топшира олмаган номзоднинг такрорий тест синовларидан ўтишига йўл қўйилмайди.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

16. Индивидуал-психологик ўрганишдан ўтган номзодларга қайднома расмийлаштирилади.

17. Мазкур қайдномада номзодлар томонидан тўпланган баллар ва индивидуал-психологик ўрганиш бўйича хулоса акс эттирилади.

18. Қайднома Қабул комиссиясининг индивидуал-психологик ўрганиш бўйича кичик комиссия аъзолари томонидан имзоланади.

19. Индивидуал-психологик ўрганиш натижаларидан норози бўлган номзод унга нисбатан берилган хулосани асослантирувчи маълумот билан танишиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси  
Жамоат хавфсизлиги университетига  
номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул  
килиш тўғрисидаги низомга  
7-ИЛОВА

## **Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражаси уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

2. Қабул комиссиясининг номзодларни умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича кичик комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан дастлаб номзодларга машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби тушунтирилади.

3. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларига:

фуқаролар спорт кийимида;

ҳарбий хизматчилар ҳарбий кийимда келишлари шарт.

4. Номзодлар қуйидаги машқларни бажаради.

Ўғил болалар:

турникда тортилиш;

100 метрга югуриш;

3000 метрга югуриш.

Қиз болалар:

куч ишлатиш машқлари комплекси;

100 метрга югуриш;

1000 метрга югуриш.

5. Машқлар оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

6. Белгиланган машқларни узрсиз сабабларга кўра топширмаган ёхуд топширишдан бош тортган номзодлар қониқарсиз баҳоланади.

### **2-боб. Машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар**

7. Турникда тортилиш машқини бажаришда:

бош бармоқ поя ичкарасидан ушланади, тана бир оз ростланади, тизза бўғими тўғриланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади; ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу машқни бажаришда оёқлар орасини очиш, танани ҳаракатсиз ҳолатда букиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Жуфт тutilган оёқларни 45° гача кўтаришга рухсат берилади.

8. Номзодларнинг турникда тортилиш машқи қўйидагича баҳоланади:

а) фуқаролар учун:

12 мартаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

10-11 мартаба тортилганда — «яхши»;

8-9 мартаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 7 мартаба ёхуд умуман тортила олмаганда — «қониқарсиз» деб баҳоланади;

б) ҳарбий хизматчилар учун:

14 мартаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

12-13 мартаба тортилганда — «яхши»;

10-11 мартаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 9 мартаба тортилганда ёхуд умуман тортила олмаганда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

9. 100 метрга югуриш машқи:

юқори ёки қўйи стартдан амалга оширилади;

стадионнинг югуриш йўлакчаси ёки қаттиқ қопламали текис жойларда ўтказилади.

10. Номзодларнинг 100 метрга югуриш машқи қўйидагича баҳоланади:

а) фуқаролар (ўғил болалар) учун:

14,4 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,5 — 14,8 сония ичида бажарган тақдирда — «яхши»;

14,9 — 15,4 сония ичида бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,5 сония ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади;

б) фуқаролар (қиз болалар) учун:

17,3 сонияда бажарган тақдирда, улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади;

в) ҳарбий хизматчилар учун:

14,0 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,1 — 14,4 сония ичида бажарган тақдирда — «яхши»;

14,5 — 15,2 сония ичида бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,3 сония ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

11. 3000 ва 1000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

Номзодларнинг 3000 метрга югуриш машқи қўйидагича баҳоланади:

а) фуқаро ёшлар (ўғил болалар) учун:

13,20 дақиқада бажарган тақдирда — «аъло»;

13,20 — 14,00 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «яхши»;

14,00 — 14,30 дақиқача бажарган тақдирда — «қониқарли»;



14,30 дақиқа ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади;

б) ҳарбий хизматчилар учун:

12,40 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

12,40 — 13,00 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «яхши»;

13,00 — 13,35 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «қониқарли»;

13,35 дақиқа ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади;

в) қиз болалар 1000 метрга югуриш машқини 5,00 дақиқа ичида бажарган тақдирда, улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

12. Қиз болалар учун куч ишлатиш машқлари комплексини бажаришда бир дақиқада иккита машқ узлуксиз бажарилади.

Ҳар бир машқни бажариш учун 30 сония вақт ажратилади.

Биринчи машқни бажаришда:

чалқанча ётилади;

қўллар белда, тиззалар букилмаган ҳолда оёқлар тўпик қисмидан бошқа одам ёрдамида ушланади;

дастлабки ҳолатдан гавда олдинга кўтарилиб, қўллар оёқ учига теккандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида тиззаларни букиш ва шерик томонидан оёқларни қўйиб юбориш тақиқланади.

Биринчи машқ учун ажратилган 30 сония вақт тугаганлиги эълон қилингандан сўнг, дарҳол иккинчи машқни бажаришга киришилади.

Иккинчи машқни бажаришда:

қўлга таяниб ётилади, қўллар елка кенглигида тиззалар букилмаган ҳолатда бўлади;

қўллар букилиб ёзилади (бунда бел ҳамда елка қисмлари биргаликда ва текис тушиб чиқиши шарт);

қўллар букилиб тана ерга нисбатан параллел ҳолатга келтирилгандан сўнг дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида қўллар чала букилиб — ёзилиши, бел ва елкалар ҳар хил тушиб чиқиши, тиззаларнинг ерга тегиши тақиқланади.

Куч ишлатиш машқлари комплексини номзод қизлар камида (умумий ҳисобда) 26 маротаба бажарган тақдирда, улар ушбу синовдан «ўтди» деб ҳисобланади.

13. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда номзод камида битта «қониқарсиз» баҳо олганда, у умумжисмоний тайёргарлик синовларидан ўтмаган деб ҳисобланади.

14. Умумжисмоний тайёргарлик синовларидан ўтмаган номзодларга машқларни такрорий бажаришга рухсат берилмайди.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

15. Умумжисмоний тайёргарлик синовларини топширган номзодларга қайднома расмийлаштирилади.

16. Мазкур қайдномада номзодлар томонидан бажарилган машқлар ва улар учун қўйилган баҳолар кўрсатилади.

17. Қайднома Қабул комиссиясининг номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича кичик комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 6 августдаги 500-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 23-сон, 271-модда)да:

а) 2-банддан «Миллий гвардияси» сўзлари чиқариб ташлансин.

б) Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомда:

1-банднинг иккинчи хатбоши «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси» сўзларидан олдин «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети,» сўзлари билан тўлдирилсин;

1-иловада:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» бўлими қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети»;

«Давлат хавфсизлик хизмати» бўлими қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат хавфсизлик хизмати:

Амир Темур номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати академияси»;

2-иловада:

«Вазирликлар ва идоралар» устунининг 1, 2, 3, 5 ва 8-блокларидан 5-бандлар чиқариб ташлансин;

«Бажариш муддатлари» устунининг 2, 3 ва 6-блокларидан 5-бандлар чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 ноябрдаги 971-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига ўқувчиларни танлаб олиш, ўқишга қабул қилиш ва ўқишдан четлатиш тартиби тўғрисида низомда:

5-банднинг иккинчи хатбошида «Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти (кейинги ўринларда Ҳарбий-техник институт деб аталади)» сўзла-

ри «Жамоат хавфсизлиги университети (кейинги ўринларда — Жамоат хавфсизлиги университети)» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандда «Ҳарбий-техник институтнинг» сўзлари «Жамоат хавфсизлиги университетининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ҳуқуқий билимни ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 19 августдаги 694-сон қарорида:

а) 1-банддаги «Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг 1-бандидаги «Миллий гвардиянинг Ҳарбий-техник институти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 апрелдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлари тўғрисида низомнинг 4-банди бешинчи хатбошисидаги «Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти» сўзлари «Жамоат хавфсизлиги университети» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган Адиблар хиёбонида ҳайкаллари ўрнатилган атоқли ёзувчи ва шоирларнинг ибратли ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича олий таълим муассасаларини бириктириш рўйхатининг 2-бандидаги «Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Илҳом» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2020 йил 24 августдаги 503-сон қарорига 1-илованинг учинчи хатбошисидаги «Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти» сўзлари «Жамоат хавфсизлиги университети» сўзлари билан алмаштирилсин.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ЛОЙИХА БОШҚАРУВИ  
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**468 Кристо-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 21 январдаги 16-сон буйруғи (рўйхат рақами 3127, 2019 йил 22 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2019 й., 10/19/3127/2525-сон) билан тасдиқланган Кристо-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом 1а-сон иловасининг 10-банди иккинчи хатбошисидagi «солиқ тўловчининг идентификация рақами» деган сўзлар «жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 29 июль,  
24-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 августда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҲЙРУҒИ

**469 «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 805-сон «Баҳоловчилар ва риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**А. ОРТИКОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 19 июль,  
01/11-14/08-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат активларини бошқариш агентлиги  
директорининг 2021 йил 19 июлдаги  
01/11-14/08-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 17 майдаги 01/19-18/02-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қаро-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 5 августда эълон қилинган.

ри (рўйхат рақами 2236, 2011 йил 10 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 24-сон, 252-модда).

2. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 5 мартдаги 01/27-26/08-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2236-1, 2014 йил 26 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 13-сон, 146-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 6 июлдаги 01/19-10/14-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2236-2, 2017 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 748-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 01/19-10/06-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2236-3, 2018 йил 12 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2018 й., 10/18/2236-3/0689-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 18 майдаги 01/19-10/22-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2236-4, 2018 йил 5 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.06.2018 й., 10/18/2236-4/1326-сон).

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2021 йил 29 июлдаги 24-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2021 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-5.*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2021 йил 19 июлдаги 01/11-14/08-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

*2021 йил 5 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-5.*

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг 2011 йил 17 майдаги 01/19-18/02-сон «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2236, 2011 йил 10 июнь), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2236-1, 2014 йил 26 март), (рўйхат рақами 2236-2, 2017 йил 24 июль), (рўйхат рақами 2236-3, 2018 йил 12 февраль), (рўйхат рақами 2236-4, 2018 йил 5 июнь).

*2021 йил 5 августда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

